



# ХОТИРА УЙҒОНСА ГЎЗАМДИР!..

## ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ — МАНГУ БАРҲАЁТ

Ўтган йили Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш ва «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуини барпо этишга қарор қилинган эди. Шу қисқа вақтда бу борада улкан ишлар амалга оширилди. Жумладан, миллий мустақиллик, Ватан равнақи, юрт озодлиги учун жонини фидо айлаган эл ўғлонларининг қутлуг хотирасига пойтахтда муаззам хиёбон бунёд этилди.

пойтахтимиз марказидан оқиб ўтувчи Бўзасув соҳилида «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуининг очилиш маросими бўлди.

Ўн етти гектарлик кенг хиёбон узра шаҳидлар хотирасига бағишлаб ўқилган Қуръон оятлари янгради. Сўнг аънамага мувофиқ, йиғилганларга наҳорги ош тортилди.

Ёдгорлик пойида ўтказилган хотирлаш маросимида мамлакатимиз Президенти Ислон Каримов нутқ сўзлади. «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи илк кундан оқ зиёратчилар билан гавжум бўлди.

12 май, муборак жума тонгида



### КЕЧА

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳазуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг мажлислар залида «Итимоий ҳаётнинг барча томонларини демократлаштириш жараёнини чуқурлаштиришда ҳокимият вакиллик органларининг ролини ошириш» мавзусида республика семинари кенгаши бўлиб ўтди.

### РЕСПУБЛИКА ПРОКУРАТУРАСИДА

## ҚАРЗДОРЛИК НЕГА ОРТМОҚДА?

Аввал хабар қилганимиздек, яқинда Ўзбекистон Республикаси прокуратурасида идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш бўлиб ўтди. Унда «Ўзкимёсаноат» уюшмаси ва унинг тизимидаги корхоналарда ўзаро ҳисоб-китоблар ва тўлов интизомини мустақамлаш ҳамда табиати муҳофазат қилишга доир қонунлар ижросини текшириш натижалари муҳокама этилди.

Тўлов интизومي ва ўзаро ҳисоб-китоблар ҳамда табиати муҳофазат қилиш масалалари прокуратура идораларининг назорат фаолиятида асосий йўналишлардан ҳисобланади.

Шу муносабат билан ва қонунчилик аҳволининг таҳлилидан келиб чиққан ҳолда «Ўзкимёсаноат» уюшмаси тизимида мазкур қонунлар ижроси назорат тартибиде текширилди.

Текшириш Республика қонунлари, Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорларининг уюшма тизимида лозим даражада бажарилмаётганлигини кўрсатди.

«Ўзкимёсаноат» уюшмаси томонидан фаолиятни мувофиқлаштириш ва молиявий-иқтисодий аҳволини такомиллаштириш лозим даражада ташкил этилмаган, sanoat корхоналари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулот ишлаб чиқарувчилари ўртасида тўлов интизомини мустақамлаш масалалари талаб даражасида эмас.

Соҳага доимий равишда давлат ёрдами берилмаётганлигига қарамадан, барқарор иқтисодий фаолиятни амалга ошириш йўлга қўйилмаган, дебитор ва кредитор қарздорлиқнинг тўлиқ ва ҳаққоний ҳисо-

бини юритиш таъминланмаган, тўлов қобилиятига эга бўлмаган истеъмолчиларга маҳсулотни олдидан тўлов амалга оширилмасдан юбориш ҳолатлари йўл қўйилган.

Бунинг оқибатида 2000 йилнинг 1 март ҳолатига дебиторлик қарзлар 21,6 млрд. сўмни, шундан муддати ўтгани 4,9 млрд. сўмни ташкил этган. Кредитор қарздорлик 28,9 млрд. шундан муддати ўтгани эса 9,6 млрд. сўмдан иборат бўлган.

Шунингдек, уюшма томонидан Мустақил Ҳамдўстлик Давлатлари ва чет эл корхоналари билан дебитор ва кредитор қарздорлиқни қисқартириш юзасидан ишлар етарлича амалга оширилмаганлиги натижасида 1 март ҳолатига дебитор қарздорлик 347 млн. сўмни, шундан муддати ўтгани 7,5 млн. сўмни, кредитор қарздорлик эса 3807 млн. сўмни, шундан муддати ўтгани 682 млн. сўмни ташкил этган.

Ўтказилган текшириш даврида мазкур соҳа корхона ва ташкилотлари мансабдор шахсларига нисбатан 12 та жиноят иши қўзғатилган.

Сирдарё вилояти, Оқ олтин тумани «Агрокимётаъминот» акци-

(Давоми 2-бетла).



Ватан озодлиги ва мустақиллиги учун ўз жонини фидо этган кишиларнинг хотирасини абадийлаштириш, эл-юртимиз обрўини юксалтиришга, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга ҳисса қўшаётган фахрийларни хурматлаш мақсадида икки йилдирки, мамлакатимизда 9 май «Хотира ва Қадрлаш кuni» сифатида кенг нишонланмоқда. Ана шу қутлуг сана муносабати билан Республика прокуратураси маҳкамасида ҳам тантанали учрашув бўлиб ўтди. Байрам учрашувини очган Республика Бош прокурори, II даражали Давлат адлия маслаҳатчиси Рашид Қодиров уруш ва меҳнат фахрийларини қутлуг кун билан самимий табриклаб, шундай деди:

— Биз тарихга назар соладиган бўлсак, бу дорумон кунларга осонликча эришмаганимизга ишонч ҳосил қиламиз. Минг афсуслар бўлсинки, айрим юртдошларимиз бундай қутлуг кунларга етиб кела олмадилар. Уларнинг охироти обод бўлсин. Бу ййгилишда қатнашаётган ҳар бир фахриймизнинг ҳаёти катта тарих. Рустам Мухамедов, Эгамберди Ҳақимов, Вали Қосимов, Ином Йўлчиев, Эдуард Дворкин каби фахрийларимиз билан ҳақли равишда ҳафрланамиз. Бу устозларимиз ҳозир ҳам ўз билим ва тажрибаларини ёшларга ўргатиб келмоқда.

Бизнинг инсоний бурчимиз адолат йўлида қилаётган қутлуг ишларимизга оқ фотиха тилаб ўтирган ҳар бир онахону-отaxonинг хурматини жойига қўйишдир.

Анжуманда уруш ва меҳнат фахрийларига Республика прокуратурасининг қимматбахо эсдалик совғалари топширилди. Анжуман сўнггида бир пиёла чай устиде авлодлар гурунги давом этди.

(Ўз мухбиримиз)

### Ушбу сонда

#### ДОИМИЙ ВА ЗАРУР ИШ

Хонадонларга борсам, уй эгаларининг шахсий кутубхоналари бор ёки йўқлигига, болаларнинг китоб ўқишига эътибор бераман. Хуллас, китобни севган ёшлар ота-онаси, Ватани, халқининг қадрига етади. Миллий гоё, миллий турмуш тарзимизнинг бош мақсади ҳам шу эмасми?!

2-3  
бетлар

#### САОДАТГА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛ

Ангрен шахрида бугунги кунда бир неча юз нафар ўсмир ўқимаслиги, фойдали иш билан шуғулланмаслиги ҳақида маълумотнома тақдим қилинди. Бироқ статистика бўлими, халқ таълими, меҳнат биржасида бундай маълумотлар йўқ.

3-6  
бетлар

#### ДАЪВОГАРИК ҲИССИНИ УЙҒОТАЙЛИК

Журналистлар жиноятчиликка қарши муросасиз жамоатчилик фикрини шакллантирувчи катта кучдир. Ана шу кучдан унумли фойдаланиб, аҳолининг ҳуқуқий билимдонлик савиясини ошириб бориш. фуқароларда даъвогарлик ҳиссини уйғотиш, ҳақ-ҳуқуқларини талаб қила оладиган даражада фаол бўлишларига эришиш зарур.

6  
бет

**«ХУҚУҚ»**

юридик газета

**Таъсисчилар:**

**Ўзбекистон Республикаси прокуратураси, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти прокуратуралари, «Қонун ҳимоясида» журнали**

**Бош муҳаррир:**

**А.АБДУРАЗЗОҚОВ**

**Таҳрир ҳайъати:**

Мэлс Наимов, Ботир Пулатов, Бахтиёр Назаров (Бош муҳаррир ўринбосари), Дилшод Исмолов (масъул котиб), Лола Шомуродова, Зайниддин Мамадалиев

Газета Давлат матбуот қўмитасида №00150 рақам билан рўйхатга олинган  
Нашр кўрсаткичи — 231, 232

**Манзил:** Тошкент шаҳри, академик Яхё Фуломов қўчаси, 66-уй.  
**Телефонлар:** 77-72-25, 133-82-34

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарибмайди. Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланishi мумкин. Газетада берилган факт ва далиллар учун муаллиф масъул. Нашримиздан кўчириб босилганда «Хуқуқ»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт. Тижорат аҳамиятига молик материаллар \*\* белгиси остида чоп этилади.

Газета андозаси таҳририят компьютер марказида Pentium-II MМХ - 333 компьютерда саҳифаланган.

Саҳифалаш ва дизайн ишларини Б.Саидов бажарган.

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонасида офсет усулида А-3 форматда чоп этилган. Корхона манзили: **Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.**

Буюртма Г-412  
Нусхаси — 18031

Босмаҳонага топшириш вақти 20.00  
Босмаҳонага топширилди 21.00

Газета ҳафтанинг чоршанба кунлари чикади

**Навбатчи Н.МАХМУДОВ**  
Сотувда эркин нархда

1 2 3 4 5 6 7 8

**РЕСПУБЛИКА ПРОКУРАТУРАСИДА**

**ҚАРЗДОРЛИК НЕГА ОРТМОҚДА?**

(Бошланishi 1-бетда).  
нерлик жамияти бошқаруви раиси П.Тхай 2000 йилнинг 1 январь ҳолатига жамиятнинг 86 млн. сўмлик муддати ўтган дебиторлик қарзлари мавжуд бўлгани ҳолда уни ундиришга доир қонуний чоралар кўрмаган. 1999 йилнинг январь ойида кредиторлик қарзларни тўлаш ниқоби остида Фаргона «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси 3 млн. сўмни ўтказиб бериб, ушбу қийматга маҳсулот олишни таъминламаган, маблағ эса қайтарилмасдан қолingan.

Жорий йилнинг 22 мартдан 28 мартгача бўлган даврда «Электрким» заводи АЖнинг махсус ҳисоб-рақамида 148 млн. сўм маблағ тўплаган ва схема бўлмаганлиги учун маблағдан самарали фойдаланилмаган.

Самарқанд вилояти, Иштихон туманидаги «Агрокимэтаминот» АЖнинг раҳбари С.Шодиев, «Пахтабанд» бўлими бошлиғи А.Суръов ва туман қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси бошлиғи И.Омоновлар туман ҳокимияти биринчи ўринбосари Т.Усмонов томонидан тасдиқланган 5-сонли «Пахта-99» транши бўйича тўловлар схемасини қайта тузишган ва дастлабки схемада кўрсатилмаган бўлса-да, келиб тушган 10 млн. сўм маблағдан 3 млн. сўми Чирчик «Электркимэсанот» ишлаб чиқариш бирлашмасига ўтказилган.

Чирчик шаҳридаги «Электркимэсанот» ИЧБда 10 ва 14-сонли «Пахта-99» траншларидаги 117 млн. сўмдан 37 млн. сўми маҳаллий соликларни тўлашга, 75 млн. сўми иш ҳақига ва 5 млн. сўми банк кредитларини қоплаш учун мақсадсиз ишлатилган.  
«Ўзкимэсанот» уюшмаси корхоналари томонидан минерал ўғитлар ва кимёвий дорилар қишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқарувчиларига Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари мавжуд бўлмаган ҳолда ҳам берилишига йўл қўйилган.

2000 йилнинг 1 март ҳолатига қўра уюшма бўйича жами олдиндан ҳақ олмасдан жўнатилган маҳсулот қиймати 18730 млн. сўмни яъни жами мавжуд 21594 млн. сўмлик дебитор қарздорлигининг 86 фоизини ташкил қилган. Шу жумладан, ушбу даврга олдиндан ҳақ олинмасдан жўнатилган маҳсулот учун муддати ўтган 4691 млн. сўмлик қарздорлик вужудга келиб, ушбу кўрсаткич жами муддати ўтган дебиторлик қарздорлигининг 95 фоизини ташкил этган.

«Ўзагрокимэтаминот» ДАБ тизимида Республика Президентининг 1995 йил 12 майдаги ва 1996 йил 24 январдаги Фармонлари талабларига хилоф равишда олдиндан 15 фоизлик тўловни туширмасдан вужуд қарздорлиқни бартараф қилган юборилганлиги натижасида молиявий аҳвол янада оғирлашган.

Жиззаҳ вилояти, Дўстлик тумани «Агрокимэтаминот» акционерлик жамияти жорий йилнинг январь ойидаёқ 20 та ҳўжаликка олдиндан тўловларсиз 2,2 млн. сўмлик, мавжуд қарзларни тўламаган қишлоқ ҳўжалик корхоналарига эса 18 млн. сўмлик минерал ўғит юборган.

Қорақалпоғистон Республикаси, Чимбой туманидаги «Онимдорлик» АЖ томонидан 1999 йилда 15 фоизлик олдиндан тўловларсиз жами 12 млн. сўмлик маҳсулот юборилганлиги натижасида муддати ўтган 11 млн. сўмлик дебиторлик қарздорликка йўл қўйилган.

Катта ҳажмдаги муддати ўтган дебиторлик қарздорлиқнинг мавжудлиги соҳа корхоналарининг ўз айланма маблағларини ишлатиш фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда.  
Прокуратура идоралари томонидан ўтказилган текширишда «Ўзкимэсанот» уюшмаси корхона ва ташкилотлари раҳбарлари томонидан бир қатор ҳолатларда тегишли ҳисоботларда дебиторлик ва кредиторлик қарздорликлар миқдори кўрса-

тилмасдан қолдирилиб, давлат ҳисобот интизомининг бузилишига йўл қўйилаётганлиги аниқланган.

«Электркимэзаводи» АЖ қўшма корхонасининг молиявий ишлар бўйича директори Г.Яковлева томонидан Навоий вилояти статистика бошқармасига тақдим этилган 5 ф шақлидаги статистик ҳисоботда жорий йилнинг 1 январь ҳолатига муддати ўтган 121 млн. сўмлик дебитор қарздорлик кўрсатилмасдан қолган.

Сурхондарё вилояти, Узун туманида «Агрокимэтаминот» АЖ томонидан ҳам 2000 йилнинг 1 январь ҳолатига 2 а шақлидаги ҳисоботда 18 млн. сўмлик муддати ўтган дебитор қарздорлик қайд этилмаган.

Давлат ҳисобот интизомини бузишга доир ушбу хил қонунбузилишлар вилоятнинг Жарқўрган, Қизирик, Шеробод, Қумқўрган, Шўрчи ва Термиз туманлари «Агрокимэтаминот» АЖлари томонидан ҳам йўл қўйилган.

Статистик ва молия ҳисоботларининг бузиб кўрсатилиши ҳолатларига мазкур соҳанинг Тошкент шаҳар ва Самарқанд вилоятидаги корхоналари фаолиятида ҳам йўл қўйилган.

Самарқанд вилояти прокуратураси томонидан кимё заводида ўтказилган текшириш жараёнида статистик ҳисоботларда жорий йилнинг 1 март ҳолатига 23 та ҳўжалик юритувчи субъектларда вужудга келган 313 млн. сўмлик дебиторлик қарздорлик кўрсатилмасдан қолдирилганлиги аниқланган.

Мувофиқлаштирувчи кенгашда камчилик ва қонунбузилишларга йўл қўйган мазкур корхона ва ташкилотларнинг мутасадди раҳбарлари тушунтириш бердиллар. Қарздорлиқни бартараф этиш, ҳисоб-китобларда қонунийликка амал қилиш юзасидан муайян тадбирлар белгиланди.

**Ф.АЛИМОВ,**  
«Хуқуқ» муҳбири

**Тошкент шаҳар прокуратурасида**

Маълумки, жорий йил Президентимиз томонидан «Соғлом авлод йили» деб эълон қилинган эди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 15 февралдаги қарорига асосан «Соғлом авлод давлат дастури» қабул қилинди. Ҳўш, ушбу дастурнинг жойларда амалга оширилиши бугунги кун талабларига жавоб бермоқдами?

Ўтган ҳафтада Тошкент шаҳар прокуратурасида «Ёшлар орасида ҳўқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар» мавзусида бўлиб ўтган конференцияда ҳудди ана шу саволга жавоб қилинди.

Конференцияда туман прокурорлари, ички ишлар бўлими бошлиқлари, суд ра-

**ҲАМКОРЛИК — АСОСИЙ ОМИЛ**

ислари, халқ таълими, ўзини-ўзи бошқариш органлари вакиллари, «Қамолот» ёшлар жағмармаси, соғлиқни сақлаш бўлими ходимлари иштирок этишди. Конференция иштини Тошкент шаҳар прокурори М. Намнов қисқача кириш сўзи билан очди ва олиб борди.

Кўн тартибидоги масала юзасидан шаҳар прокурорининг ўринбосари О. Холматов мавзусизан тингланди. Мавзусизан ўз сўзида пойтахт ҳўқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан ёшлар орасида ҳўқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасида салмоқли ишлар олиб борилаётганини таъкидлаш билан бир қаторда хали ушбу йўналишда ечимини кўтаётган муаммолар борлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Жумладан, бугунги кунда ёшларнинг бир қисми ичкилик, боғиқчилик, гивандликка берилиб кетиши, асаб-руҳий касалликларнинг тарқалиши, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ишсизликнинг келиб чиқиши вояга етмаганлар орасида жиноятчиликнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда.

Конференция ишида Республика Прокуратурасининг бўлими бошлиғи Н. Бобоев, шаҳар ҳокимининг ўринбосари Э. Эрназаров, шаҳар суди раиси С. Мирсафоев, шаҳар ИИББ бошқарманин биринчи ўринбосари В. Тошматовлар иштирок этиб, сўзга чиқдилар.

Конференция ўз ишини якунлар экан, унда йиғилганларнинг барчаси бундан кейинги ишларда ҳамкорлик асосий омил бўлиб хизмат қилишига ишонч билдириди. Ана шу ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш учун конференция махсус қарор қабул қилди.

(Ўз муҳбиримиз)

**БИЗНИНГ СУҲБАТ**

**ДОИМИЙ ВА**

**Ўртобошимизнинг миллий гоя ва миллий мафкура масалаларига бағишланган мавзусасини республикамиз меҳнатқашлари, зиёлилари, ёшлар, барча касб эгалари катта қизиқиш билан ўрганиб, ижросини кўтаётган вазифаларни белгилаб олмақдалар. Навоий вилоятидаги жамоатчи муҳбиримиз турли касб эгалари билан суҳбатда бўлиб, уларнинг фикр-мулоҳазаларини коғозга туширди.**

шимиз ва амалий ишлар қилишимиз лозим.

**Рисолат Зарипова, Қармана туманидаги 4-болалар боғчаси тарбиячиси:**

— Кўп йиллик иш тажрибамдан биламанки, болага қараб, ўша оиладаги аҳволнингиза эмас маънавий мухитни ҳам илғаш қийин эмас. Биз тарбиячилар эрталиқлар, ўйинлар, турли тадбирларни имкон қадар миллий урф-одатларимиз, азалий анъаналаримиздан келиб чиққан ҳолда ўтказишга ҳаракат қилаемиз. Олағида дўрбўри кетган «Алломиш» достонимиз, «Зумрад ва Қиммат», «Мўқбил тоштар» сингари юзлаб эрталқларимиз, мақол ва топшиқларимиз мурғак қалбларга эзгулик уругини экади. Биргина «Зумрад ва Қиммат»нинг олинг. Гурухимиздаги болаларнинг аксарияти қисми уни ёд билишади. Ҳар бир қаҳрамоннинг гап-сўзи, ҳолати, табиат тасвири... ҳамма-ҳаммаси кич-

кинтойларни асло бефарқ қолдирмайди. Нега олимлар, маданият арбоблари, таниқли кишиларнинг суратлари, рўйхатлари мактабларда бору, болалар боғчаларида йўқ? Пойдевор қанчалик мустаҳкам бўлса, иморат ҳам шунчалик юксалади.

**Зоҳида Маманазарова, Қармана туманидаги Фурқат номи маҳалла фаоли:**

— Инсоний муносабатлар айниқса маҳаллада шаклланади. Шундай экан, миллий гоя ва миллий мафкура илдизлари маҳалладан азизлашишига жиддий эътибор бериш шарт.

Маҳалламизда аҳил, иноқ, саховатпеша оилалар, кишилар кўнчилиги ташкил этиди. М.Ҳайитов, И. Аҳмедов, З. Қўзиев сингари маҳалладошларимиз ўқийди шундай дейиш мумкин. Улар ўз оилаларида соғлом мухит яратиб, фарзандларини баркамол қилиб тарбиялаш

билан бирга маҳалламиз ҳаётида ҳам фаол иштирок этишмоқда.

Маҳалламизда анъанавий навоийхонлик, бобурхонлик кечалари, ёш китобхоналар анжуманлари ташкил этилаётти.

Энг бажраёт анъана ва удумларимиз қарор топаётган, яшаётган маҳалларимизнинг ижтимоий ҳаётимиздаги ўрни ва маъқеини янада оширишимиз шарт.

**Ҳамид Ҳотамов, Навбахор туманидаги «Учтўт» нафис санъат лицейи ўқитувчиси, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси:**

— Инсониятнинг бутун ўтмиши тарих ва ҳўқуқшўносликнинг аҳолийбу гаройиб тарздаги уйғунлигинида иборатдир. Одам Ато ва Момо Ҳаво зурирёллари неча миллион йилдан буюн ўз ҳўқуқини излаб, қурашиб, уни гоҳ йўқотиб, гоҳ топиб келмоқда. Ана шу мураккаб, масъулятлиқ узвийликни ўзининг боражарёнлари билан ёш авлод шуурига сингдира олсақ, давлатимиз томонидан кўн тартибга қўйилаётган муҳим вазифани уддалаган бўламиз.

Нафис санъат лицейимиз ўқувчилари ҳам бир неча йўналиш бўйича таълим-тарбия олиш билан бирга ўзларини келажимиз эгалари сифатида идрок этидилар. Барка-



ПРОКУРОР БОНГ УРАДИ

# САОДАТГА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛ

Бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги баъзи бир муаммо ва қийинчиликлар ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг айрим турлари кўпайишига сабаб бўлаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бугунги кунда, айниқса балоғат ёшига етмаган ўсмирларнинг қонунбузарликларга йўл қўйётгани кўпчилигини ташвишга солимоқда.

Қузатган бўлсангиз, кейинги пайларда шахар кўчаларида, автобус бекатларида баъзи волега етмаган ўсмир йигит-қизларнинг ҳудуд-беҳуда дайдиб юриш ҳоллари учраб турмоқда. Айниқса, бозорларда турли юмушлар билан, майда савдо - сотиқ ишлари билан шуғулланиб юрган ёш-ёш ўсмирларни кўриб дилгингиз ўғриди. Беҳос ўйлаб қоласиз, уларнинг ота-онаси борми? Мактаб ёшидаги бу ўсмирларнинг ўқиш, билим олиш ўрнига бозорларда тентираб юришларини қандай тушуниш мумкин?

ман бефарқ бўлса, волега етмаган, норасида гўдақлардан ўпка қилиш инсофданми?

Волега етмаган ёшларни назорат қилиб бориш ИИБларидоги ВЕНлар зиммасига юклатилган бўлиб, айрим ҳолларда уларнинг ўз вазифаларига совуққонлик билан ёндошаётганининг гувоҳи бўламиз.

Ангрэн шаҳрида жойлашган 10-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Ф.Нуриддиновни ВЕН ходимлари бозорда аравақашлик қилиб юрганида ушлаган. Суриштириб қўрилганда, боланинг онаси йўқ, мактабга умуман бормади. Унинг айтишича, у билан Роберт ҳамда Олег исмли болалар ҳам шерикчилик қилишган. ВЕН ходимларининг масъулиятсизлиги туфайли бу болаларни топиш чоралари қўрилмаган. Ҳатто Ф.Нуриддинов ҳақида мактаб маъмуриятига, у истиқомат қилувчи маҳалла кўмитасига хабар юборишмаган. Қисқаси, унинг кейинги тақдир билан ҳеч ким қизиқмаган. Энг ачинарлиси, ВЕН ходимлари ана шундай болаларни рўйхатга олиш билангина чекланиб, бу билан ўз вазифамизни ўтаб бўлдик, деб ўйлаган.

Аммо масаланинг яна бир жиҳати бор. Ҳўш, волега етмаган Ф.Нуриддинов мактабда ўқиб туриб, бир неча кун дарсларда иштирок этмаётганидан мактаб маъмурияти ха-

барсизмиди? Йўқ, албатта. Унда нега бу ҳол уларни ташвишга солимаган?

Ф.Нуриддиновнинг оилавий шароитидан, кўча-кўйда беҳуда тентираб юрганидан кўни-кўшни, маҳалла-кўй беҳабар дейсизми? Наҳотки, маҳалладан жилжаурса битта жонқуяр оила топилмаган бўлса?! Миллатимизда бошқа ҳеч бир халқларда учрамайдиган урф-одатлар, қадриятлар мавжудки, улар ўзлгимизни ўзда акс эттиради. Оиланинг рисоладагидек бўлиши, эр-хотиннинг тинч-тотув, пир у бадавлат, ували-жували, меҳр-оқибатли бўлиб юришида кўни-кўшнларнинг, маҳалла-кўйнинг таъсири кучлидир.

Айниқса, ёш авлодни тарбиялашда маҳалланинг ўрни катта. Ўсмирлар обрўли маҳалла оқсоқолларидан ҳайиқиб турадилар, уларнинг салобати таъсирида ўзларини ноҳўя хатти-ҳаракатлардан тиядилар. Кимдандир ҳайқалмаган бола бебош бўлиши ҳеч гап эмас.

Қйрай тумани, Тўқайтепа маҳалласида яшовчи А.Кожевников исмли ўсмир қўниси К.Нуриддиновнинг 50 минг сўмлик рангли телевизорини «тузатиб бераман» деб олиб, арзон нархда бошқа бировга сотиб юборди. Мўмай даромад топишининг осон йўлини топган бу ўсмир шундай алдаш йўли билан яна бир неча фуқаролар буюмларини олиб-сотиб юборди. Жумладан, худди шу маҳаллада истиқомат қилувчи Н.Зринованинг «Фотон» маркали телевизорини (25 минг сўмлик), «Маяк» маркали магнитофонини (10 минг сўмлик) тузатиб бераман деб олади-да жуфтаникни ростлайди.

(Давоми 6-бетда).

ТАДБИР

Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туман прокуратурасида мутасадди идора раҳбарлари иштирокида навбатдаги мувофиқлаштирувчи Кенгаш йиғилиши бўлиб ўтгани ҳақида хабар берган эдик.

# АМАЛИЙ ИШГА ЎТАЙЛИК

Кенгашда сўзга чиққан туман прокурорининг ўринбосари Ҳ.Отабоев прокуратура томонидан ўтказилган текширувда айрим қорхона ва ташкилотларда назоратнинг сусайтириб юборилганлиги, мутасадди раҳбарларнинг ўз хизмат вазифаларига совуққонлик билан қараш ҳоллари аниқланганлигини айтиб ўтди. Туман ДСИнинг ишлари талаб даражасида эмас. Шу йилнинг ўтган даври мобайнида фаолият кўрсатмаётган қорхоналардан фўқат 11 таси бўйича ҳўжалик судига даъво аризаси киритилган, ҳолос. Ўтказилган текширишда аниқланган қонун бузилиш ҳолларига йўл қўйган шахсларга нисбатан қўлланилган жарима жазосининг ижроси эса тўлиқ таъминланмаган. Дебиторлик қарзлари бироз ошган. Туман СЭСнинг ишларини ҳам қоникарли деб бўлмади.

Айрим уйлар атрофида, бекатларда ўзбошимчалик билан кичик-кичик бозорчалар ташкил этилиб, савдо-сотиқ қилинмоқда. СЭС шу йилнинг март ойида 19 та текшириш ўтказган. Улар бўйича тўлпалган маъмурий ҳўжатлар прокуратура томонидан ўрганиб чиқилганда камчиликларни бартараф этиш юзасидан умуман ҳеч қандай чоралар қўрилмаган. Баъзи жойларда ахлатлар тоғ бўлиб уюлиб ётибди. Бу эса кунлар исиб бораётган бир пайтда юқумли касалликларнинг кўпайишига олиб келади.

Соғлиқни сақлаш тизимида эса оналик ва болаликни муҳофаза қилишининг самарали тизимини яратишга эътибор қаратилмаган. Айрим тоифадаги касалликлар оқибатида шифохоналарга берилган кўплаб дори-дармонларнинг фойдаланиш муддати ўтиб кетган.

Ҳўш, бундай камчилик ва нуқсонларнинг сабабларини тегишли муассасалар раҳбарлари нима билан изоҳлайдилар?

### Б.Дадамўхамедов, туман соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғи:

— Соҳада ўтказилган текшириш яқунлари бўйича аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўряпмиз. Унга йўл қўйган шахслар тегишли жазоларини олдилар. Бу борада режалар

(Давоми 6-бетда).

# ЗАРУР ИШ

моллик уларнинг шориридир. Лицейимиз ёнидаги қадимий учга тут, дала-дашлар, тоғу тошлар, ўрмонлар, мезазор боғлар ёшларимизнинг гуруридир.

Ватанпарварлик, миллий ғоя, миллий мафкураимизнинг чамбарчас қисми ҳисобланади. Ҳозирги авлод Ватанимиз тарихини қанчалик ҳўқур билса миллий ғоя, миллий мафкурани ҳам шўнчалик теран англайдилар. Биз ўзимизнинг бор билим ва маҳоратимизни ана шу умумдавалт ишига бағишлаймиз.

### Бурҳон Жўраев, Навоий тоғметаллургия комбинати «Металлургия» профлакторийсининг электромонтери, шахсий кутубхона эгаси:

— Китоб, китобхонлик миллий ғоя ривожига катта ҳаётий мазмун бағишлайдиган воситадир. «Ёшлар китоб ўқимади» қўйишиди, улар бозор-ўчар, тижоратга ўтиб кетишди» деган гапларни эшитишга тўғри келади. Тўғри, ўқийша қизиқмайдиган ёшлар оз бўлса ҳам бор. Ёшларини мижорат, тадбиркорлик билан шуғулланишяпти. Лекин уларнинг асосий қисми илм олишга, ўзи истаган касб-хўнарни эгаллашга интилувчан ёшлардир.

Ўтган йили Навоий педагогикабилим юртида китобхонлар анжу-

мани ўтказган эдим. Бу йил Наврўз байрами арафасида Навоий туманидаги Нодира номили мактабнинг ёш китобхонлари билан учрашдик. Уларнинг қанчалик иштиёқ билан билим олишяётганлигини кўрсангиз эди...

Хонадонларга борсам, уй эгаларининг шахсий кутубхоналари бор ёки йўқлигига, болаларнинг китоб ўқишига эътибор бераман. Хуллас, китобни севган ёшлар ота-онаси, Ватани, халқининг қадрига етади. Миллий ғоя, миллий мафкуранинг бош мақсади ҳам шу эмасми?!

### Шўхрат Зайниддинов, Карман туманидаги Фуркат номили мактаб ўқитувчиси, II-даражали «Соғлом авлод учун» ордени соҳиб:

— Ҳуқуқий тарбия ҳаётимизнинг мўҳим бўғинидир. Зотан, мамлакатимизда ҳуқуқий давлат асослари барпо этилаётган экан, бу ҳол ҳуқуқий тарбия самарадорлигини янада оширишни тақозо этади. Шундай бўлиши табиий ҳолдир. Мактабимизнинг ёш ҳуқуқшунослари бир неча бор «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танловининг туман, вилоят, республика босқичларида фаол иштирок этишдик. Ёшларимиз онгида иймон, эъти-

код, ҳалоллик, жасурлик тўғуларини ҳар томонлама шакллантиришнинг барча имкониятларини ишга солаёямиз.

Миллий ғоя, миллий турмуш-тарзимиз ҳақида гапирар эканмиз, бу борада асло кампаниябозликка йўл қўйиб бўлмади. Ана шу йўлда бой берилган ҳар қандай имконият бизга қимматга тушиши ҳеч гап эмас.

### Ғулор Ғўзиев, Навоий тумани ҳокимини муовини:

— Юртобшимиз миллий ғоя, миллий мафкура ҳақида гапирар эканлар, бу масаланинг энг мўҳим, ургу берилиши лозим бўлган жиҳатларини ҳам аниқ-равшан кўрсатди.

Туманимизда 24 та мактаб, 28 та кутубхона ва бошқа кўплаб муассасалар бор. Аввало, ўқитувчилар, зиёлилар, жамоатчилик вакиллари иштирокида Президентимиз маърузасида курсатилган вазифаларни батафсил муҳожама қилиб олдик.

«Маънавият — улугъ неъмат» маърузида туркум тадбирлар ўтказаялми эдик. Дастуриймиз бор, вазифамиз аниқ, мақсадимиз эзгу, фақат қўлни қўлга бериб ишлаймишиз керак.

### Сўлаймон Иноватов, тарих фанлари доктори, профессор, Халқаро Амир Темур жағмағмаси вилоят бўлими бошлиғи, вилоят «Маънавият ва маърифат» кенгашининг масъул котиби:

— Маънавиятсизлик жуда катта фожеа. Шунинг учун ҳам мустақил-лигимизнинг дастлабки кўналари, ойлариданқ давлатимиз раҳбари маънавият ва маърифат масаласига алоҳида эътибор бердилар.

Миллий ғоя, миллий маънавият ҳақида гапирганда маънавият ва маърифат ҳусусида сўзламасдан бўлмади.

Юртобшимизнинг зиёлилар билан учрашувидан сўнг бутун республикамиз бўйлаб кенг қўламли тадбирлар уюштирила бошланди. Айниқса, Ўзбекистон Миллий университети, Республика маънавият ва маърифат марказидан бир гуруҳ олимларнинг вилоятимизга таширф буюриши биз, навоийликларни жуда қувонтирди.

Соҳибқирон Амир Темурнинг бутун фаолияти миллий ғоя, адолат руҳида йўғирилган. У зот бор умрини маърифат ва адолат тарғиботи-га бағишлади ва ўзи ҳам шўнга бевосита амал қилди.

Соҳибқирон ва унинг авлодлари ҳаёти бевосита Карман тарихи билан боғлиқдир. Юртобшимиз на-тарфсил муҳожама қилиб олдик. «Маънавият — улугъ неъмат» маърузида туркум тадбирлар ўтказаялми эдик. Дастуриймиз бор, вазифамиз аниқ, мақсадимиз эзгу, фақат қўлни қўлга бериб ишлаймишиз керак.

Демак, биз тинимсиз ишлашимиз зарур. Токи, миллатимиз, озод ва обод Ватанимиз дадил қадамлар билан келажакка одимлайверсин.

Сўхбатни Одил ҲОТАМОВ ёзиб олди

### ҲАМКОРЛИК

### МУШТАРАК МАҚСАД ЙЎЛИДА

Яқинда Тошкент шаҳар прокуратура-раси ва Ички ишлар идораларининг доимий фаолият кўрсатувчи ўқув семинарини ташкил қилиш ҳақида кўшма фармойиши қабул қилинган эди.

Ўқув семинарларини ташкил этишдан қўзланган асосий мақсад - мамла-катимизда амалга оширилётган де-валт қўрилиши ва бошқаруви, иқтисо-диёт, маънавият, суд-ҳуқуқ ва бошқа соҳалардаги ислохотларнинг самарали ҳамда раво кечиши учун ҳуқуқий база яратиш, қонунчиликни замон талаб-ларига мос равишда тақомиллаштириб бо-ришда ҳуқуқ-тартибот органлари ҳам-корлигини кучайтиришдан иборат.

13 май кўни Ўзбекистон Республика-си ИИБ Академияси мажлислар залида Тошкент шаҳар прокуратураси ходим-лари, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси раҳбарлари, ИИБ Акаде-мияси раҳбар ва илмий ходимлари, пой-тахт туман прокурорлари, прокурату-ра ва ИИБ тергов бўлиmlари ходимлари иштирокида ўқув семинари йиғилиши бўлиб ўтди. Семинар йиғилишида шун-ингидек, Тошкент шаҳар суди, Тошкент шаҳар суд-тиббий экспертиза маркази раҳбарлари, шаҳар ИИБ тергов бўли-млари шахсий таркиби ҳамда ИИБ Акаде-миясининг тергов-криминалистика му-тахассислиги битирувчи талабалари иштирок этишди.

Ушбу семинар йиғилиши «Тергов жараянида фуқароларнинг конституц-иявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъмин-лашда қонунчиликка риоя этиш ва уни муастаҳкамлаш» маърузаси бағишланди. Йиғилишда Тошкент шаҳар туман прокурорлари, ИИБ академияси илмий ходимлари, суд-тиббий экспертиза мар-кази раҳбари, ИИБ интерпол ходими ва бошқалар маъруза қилдилар.

Ш. ЁДГОРОВ,  
«Хуқуқ» мухбири



**ОФРИҚ НУҚТАААР**

эришдик ҳам дейлик. Лекин, олинда узун умримиз бор... Энди бу ширин оғу бизнинг умримизни сўнгигача заҳарлаб қўймаймизми? Бахтли бўлишдек орзумиз саробга айланиб, оғу тавсирга тушиб қолган қул каби унинг етовида судралиб яшайверамиз-

равишда олиб кетаётганларида божхона ходимлари томонидан ушландилар. Улар Жиноят Кодексимизнинг 246-моддасигада 2-қисми ва 273-моддасига қўра 15 йилдан - 17 йилгача озодликдан маҳрум бўлиди. Ибोधон Дадажонов аса 30 грамм «героин» контарабонда йўли билан Киргизистондан олиб ўтиб, сотаётган пайтда қўлга олинди. Бу аёлга нисбатан жиноий

**ЯХШИ БЎЛМОҚЛИК**

**ЎЗ ИХТИЕРИМИЗДА**

Инсон доимо бахтиёр турмуш кечиришни, эл-юрт орасида иззату обрўга эга бўлмоқликни орзулаб яшайди. Лекин, бахт орзиниғ ўзи қийоми? Йўқ, Бахтга эришиш ҳам осон эмас. Бунинг учун умр бўйи эзгуликлар йўлидан бориш, астойдил тер тўкиб меҳнат қилиш зарур. Ана шундагина ҳалоллик голиб келади, виждон тоза бўлади, умр хуш-чаққлик билан ўтади. Бахт деганлари ҳам аслида мана шу...

Айтишларича, гиёванд кишилар «оғу»ни истеъмол этишгач, ўзларини сархуш, бахтиёр, беташвиш ҳис этишармиш! Аммо бир неча дафталар ўтгач, бундай «бахт» нақ офатга айланиб, унинг томирларини қирқа бошлайди. Бутун вужуд дахшати оғу чаңгалида қолади. Гиёванд энди ана шу чаңгалдан бир умр чиқиб кетолмайди! Бу эса инсон учун ҳақиқий фожеа...

Кўпчилик кишилар бахт ҳузур-ҳаловат бахт этадиган дамлари қадрлашади. Яъни, дам олиб роҳатланиш, ўйин-қулғи қилиш, лаззатли овқат истеъмол этиш, ухлаш, сайрга бориш... Бу билан гўёки ўз танамизнинггина «хизмати»ни адо этишимиз, ҳолос. Лекин, умримизнинг чинакам мазмунини белгиловчи рухий-маънавий эҳтиёрларимиз ҳам бор-ку! Эзгуликларга бош қўйиш, ўзгаларга яхши сўз айтиб меҳр қўрсатиш, китоб муроала этиш сингари гўзал одатлар руҳимизни юксакларга қўтарди. Шу баробарида биз мукамаллашган, баркамол инсон даражасига етишамиз. Ана шунда тақдиримизга бахт деган мўъжиза кириб келади! Бахтсизлик эса биздан тобора олислашаверади.

Ҳар қал гиёвандларни телекранда курсам е уларнинг «дело»ларини варақласам, ана шу нарсалар хаёлимдан кечеди. Сўнгра ўйлаб бошлайман, гиёвандликка ўрганиб қолиш қай тарзда рўй беради? Бу дахшатли «касаллик»ка инсон ўз ихтиёри билан чалинадими ё киминдир кўмаги биланми? Албатта, бунинг сабаблари турлича. Лекин, битта нарсани аниқ айтишим мумкин, мўмай пул топиб, «бахтли» яшаш орзусигина кишини мана шу фалокатга етаклайди! Бу орзуга

ми энди? Энг ёмони шундаки, гиёванд киши маълум муддатдаги «ҳузур-ҳаловати» йўлида ҳар қандай дахшатли котиликлар, энг жirkan жиноятларга ҳам қўл уришдан тоймайди! Мўмай даромад бундай кишини эсанкиратиб, фақат қора йўлдан боришга мажбур қилади!

Биз эса бир муҳим нарсани унутамиз. «Оиламиз, бутун наслимизга пугур этади-ку!» деган ўй хаёлимизга келмайди. Аслида гиёвандлик моддалари истеъмол этувчилардан бино бўлган болалар нафақат касалманд ва нимжон, балки турли руҳий хасталикларга чалинган ҳолда туғиладилар. Ақсарияти туғилганидан сўнг туққанок дардига мубтало бўлишади. Бундай жиддий нуқсонлар билан туғилган болалар узок яшамайдилар. Яшаганларнинг тақдирини эса жуда аянчли кечеди...

Кўпчилик гиёвандлик кўчасига кириб қолган ёшлар бу қилмишига оғир жазолар бор эканини билишмайди. «Бир амаллаб қутулиб кетаман» деб ўйлашади. Натижада ўз умрларини «заҳарлаш» баробарида узок йиллик қамқоқ жазосини ҳам ўташга мажбурдилар. Гиёвандлик моддаларини истеъмол этган ёки олибсатарлик билан шугўлланганларгина эмас, балки бундай экинларни яширинча этиштирилганларга ҳам уч йиллик жазо муддати тайинланади. Агар бу ҳаракатлар махсус гуруҳ томонидан қатта майдонларда амалга оширилган бўлса бу жазо уч йилдан то беш йилгача бўлган муддатни ташкил этади. Бордию уюшган гуруҳлар (ёки рецидивистлар) бу жиноятни жуда кенг майдонларда содир этсалар уларнинг мол-мулкларини мусодара этилиб, ҳар бири 10 йилдан 15 йилгача қамқоқ жазосига ҳукм этиладилар. Гиёвандлик моддаларини тайёрлаган ёки сақлаган кишиларга эса Жиноят Кодексининг 274-моддасига қўра 10-15 йиллик жазо тайинланади.

Айни вақтда бундай жиноятқорона хатти-ҳаракатлар аёллар томонидан содир этилаётгани аниқ эс аянчлидир. Киргизистонлик Манзура Ҳамроқулова, Мухитдин Жамолова, Мухаррам Нурматовлар 8245 грамм «қора дорини» яширин

иш қўзғатилди ва у суд томонидан 8 йилу 10 ой қамқоқ жазосига ҳукм қилинди.

Соғлом авлод йилида аҳмак оширажақ улуг вазифаларимиз бор. У ҳам бўлса, инсонларнинг ҳар томонлама баркамоллиги, жишман ва маънан соғлом бўлмоғига эришишдир. Ана шу йўлдаги саъий-ҳаракатларимиз ижобий самаралар берса, биз келгуси авлодини буткул соғломлигига муносиб ҳиссамизни қўшган бўламиз. Демак, ҳаётга янада ҳушёрлик билан қарашимиз зарур. Гиёванд моддалар истеъмол қилувчиларни аниқлаш, бу «хатарли» хасталиқнинг олдини олиш, хасталикка чалинганларни зудлик билан муолажа қилиб соғлом ҳаётга қайтариш лозим. Айни вақтда вилотиимиздаги наркологица диспансери кузатувида 10 минг нафардан зиёд бемор бор. Утган йили давомида уларнинг 1025 таси мажбурий тартибда муолажа олдилар.

Арастуниғ шундай бир сўзи бор: «Яхши бўлмоқлик ҳам, ёмон бўлмоқлик ҳам ўз ихтиёримиздадур!» Демак, қандай яшаш ўз ихтиёримизда экан, нега тўғри яшаш йўлини танламаймиз? Ахир, бир бурда бўлсада ҳалол нон топиб ейишиниғ лаззатига не етсман? Бу нарсани ҳис қилган одам нопокликнинг нақадар хавотирли, серташвиш ва хунук эканини англаб этади! Гиёвандлик моддалари савдосига аралашиб қолган киши бу қилмишининг жиноят эканини тўсатдан пайкаб қолса-чи? У ҳолда бу жиноятдан бош тортиш мумкинми? Албатта. Агар бундай қимсалар тезда айбиг ақдор бўлиб, қўлидаги наркотик моддаларни тегишли идораларга топширса ва узр сўрса жазодан озод қилинадилар. Шундай экан, ҳар бир қилмишимиз оқибатини тарозуга солайлик. Кўнглимиз тўлмас экан, ўзимизни четга тортиб, тўғрилиқ йўлини ихтиёр этайлик. Зеро, инсоннинг бахти, саодати тўғрилиқдадир.

**Абдуғаффор МИРЗАЕВ,**  
Андижон вилоти прокурорининг  
биринчи ўринбосари, адлия  
маслаҳатчиси

Уларни бир қарашда жиноятчиликка айблаш, ҳатто шубҳа қилиш ҳам қийин. Юриш-туришлари, қийинишлари, қўра-қўйдагилар билан муомалалари бийойдек. Ҳамиша қўллари қўқисда Салом-эликни жойига қўядилар. Қариндош-ўруғ, қўн-қўшинлар билан муносабатлари яхши. Тўғри, Икболжоннинг ёшлиғидаги шўхлиги тўғри бир иш қилиб қўйиб судланганини ҳисобга олмас... Лекин яна шўхлиги тўғрими, ишлагани келмай ороқ «савб» юриб, жиноятга қўл уриб қўйди. Самарқанд шаҳар судининг ҳукми билан уч йилга ахлоқ тузатиш жазосини ўтади. Ойлали. Битта фарзанди бор.

Зайнобиддин Икболжондан бироз кичик. Маълумоти тўлиқсиз ўрта. Ҳеч қаерда ишламайди. Фарёзбек эса ундан икки ёш кичик. У ҳам ҳеч қаерда ишламайди. Жиноят содир этганларида 20-23 ёшда бўлишган. Айни тоғни урс талқон қиладиган азамат йигитлар. Аммо...

Аммо улар куч-қувватларини меҳнатга сарфлаб, пешона тери эвазига ҳалол турмуш кечиришни хаёлларига ҳам келтиришмасди. «Отан бозор, онанг бозор» қондасига амал қилиб, бировдан олиб, бировга сотиб, бир қорни-ю бир устига етгулик топиб юришарди. Лекин улар тенгиларнинг яшашлари чакки эмасди. Ана шу нарса уларни доимо «бозовта» қилиб келар, қатта бойлик орттириш илмижиде қўлай пайт пойлаб юришарди.

Нижоят, Фарёзбек шериклари ана шундай қўлай фурсат қилганлигини ҳаётинида Икболжон билан Зайнобиддин кўзларида «мед уелкунлари» алангаллади.

- Қўшарикда бир савдогар аёлни биламан, - деди Фарёзбек уларнинг юрагига чўғ ташлаб, - Узиям кетворган нарса. Бунинг устига бойувча. Анчадан бери у билан дон олишиб юраман. Агар хўп десанглор...

- Хўш-хўш, - қизқишди шериклари.
- Ҳозир дўқондан битта ароқ оламиз. Мен кириб, олақонни «эритаман». Ароққа уйку дорисидан қўшиб ичирсам бирпасда тайёр бўлади. Кейин сизлар кириб боровсизлар.
- Шу тарика «шериклар» қўл ташлашди. Вақт алламҳал бўлганига қарамай уч оға-ини Андижоннинг Қўшарик даҳасига йўл олишди. Фарёзбек «бойувча олақонига» қирадиган масала ҳал бўлгач, чироқни ўчириб ёқадиган бўлди.
- Орадан икки соатлар чамаси вақт ўтгач, «шартли сигнал» берилди.

**НАФС БАЛОСИГА УЧРАГАН ҚОТИЛЛАР**

**УСТАЛИК БИЛАН ҚОЧИБ ЮРДИЛАР, АММО...**

Икболжон билан Зайнобиддин шоша-пиша ўзларини «дом-га» уришди. Уйда Фарёзбек аёлни аллақачон «тайёр» қилиб қўйганда. У ётқононадаги қаровотида ярим ялғоқ ҳолатда ўзини билмай ётарди. Йигитлар бирпасда унинг тит-питини чиқаришди. Аммо Фарёзбек айтган пуллари тилларини топа олишмасди.

- Кийимлари зўр-ку! Нега олмайсизлар? - деди Фарёзбек қимматбаҳо пальто, жемпер, кофта-юбкаларни қўрсатиб. Сўнгра ароқ ва дори қайдида қаттиқ уйкуга кетган аёлнинг бармоғидаги бриллиант узуги ва кулқонларидеги тилла сирғаларини ечиб олди.
- Энди кетишга шайланаётганларида Фарёзбек уларни тўхтади.
- Сенлар маза. Индамай кетворасан. Манабу эртага ўзига келса, - «ширин уйкуда» ётган аёлга ишора қилиб, - тўғри милицияга борди. Сенлар оппоқ, мен эса...
- Унда нима қилмасиз? - деди шошилиб Зайнобиддин.
- Тинчимиз, бўламса сиримиз ошқор бўлиб қолади...
- Икболжон деярли хушсиз ҳолда ётган аёлнинг устига чиқиб, оёқ-кўллариини босиб турди. Зайнобиддин билан Фарёзбек дазвол шунри ва юпка ипини бўйинидан ўтказиб, икки томондан торга бошладилар. Аёл аллақачон жонсиз ҳолатга келганда. Аммо қўзи қонга тўлган қотиллар бунга қаноат қилмадилар. Фарёзбек аёлнинг қўраги ва қорнига пичоқ урди.

Андижон шаҳар ва вилот ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралари тезкор гуруҳ тузиб, қотиллар изига тушишди. Афсуски, бирор-бир гувоҳнинг йўлиғи, жиноятни очиб икмонини бермади. Қотиллар эса хотиржам. Гўё ҳеч нарса бўлмагандек юравердилар. Орадан беш-олти йил вақт ҳам ўтиб кетди. Қор ёғиб, излар босилганига энди уларда сирна шубҳа қолмаганди. Бирок...

Икболжон Долимов билан Зайнобиддин Тўланов ўтган йилнинг 16 августиде милиция ходимлари томонидан қамқоққа олинганларида бундан роса етти йил олдин содир этган жиноятлари ошқор бўлганлигини хаёлларига ҳам келтиришмаганди. 1992 йилнинг 8 апрелида Қўшарик даҳаси 32-ўйининг 62-жонадонда Гулчера Абдурахмоновага шубҳан қилган ваҳшийликларини терговчи эсларига солганида лом-мим деёлмай қолди.

Албатта ўқувчини учинчи шахс тақдирини мана бўлган экан, деган савол қизиктириши аниқ. Улмасов Фарёзбек ўтган давр мобайнида турли хил ноқуш ишлар билан шугўлланиб юрган, кўнлардан биринида у гиёванд моддани ортиқча истеъмол қилганлиги натижасида вафот этган. Жиноят ҳеч қачон жазосиз қолмаган. Қолмайди ҳам.

**Х. ҲУҲАМОВ,**  
Андижон вилот прокураториси  
жинотларни тергов қилиш бўлимининг  
алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчиси.

**КОНФЕРЕНЦИЯДАН КЕЙИНГИ ЎЙЛАР**

**ҲУҚУҚИЙ ИЛМ - Тўғри яшаш шарт**

Биз ҳуқуқий демократик давлат барпо этишдек олий мақсадни ўз олдимиизга қўйганмиз. Айни вақтда ушбу мақсад сари дадил оидимлаётган эканмииз, кишиларимизнинг ҳуқуқий жиҳатдан бўлишли бўлишга, фуқароларнинг сиёсий фаолигига ҳамда демократик тамойилларнинг ҳалқимиз онгига чуқурроқ сингиб боришига эришмоғимиз зарур. Ҳўш, ҳуқуқий илм инсонга нима учун керак? Бу шунинг учунки, ўз ҳақ-ҳўқуқларини яхши англаб етган инсон жамиятда тўғри яшаш қондаларига амал қилади. Шунингдек, бундай инсон ноқонунли хатти-ҳаракатлардан, жиноятчиликнинг турли қўринишларига аралашиб қолишдан ўзини сақлайди, ҳаётга покиза виждон билан ёндошади...

«Ҳалқимизнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш давлат сиёсати даражасига қўтарилиш лозим» деган эди муҳтарам Президентимиз. Яъни, давлатимиз фуқаролари ҳар томонлама юксак маданиятли, ҳуқуқий билими юқори даражада бўлиши шарт. Ахир атрофимизда

юз бераётган айрим қонунбузарликларнинг асосий сабаби кишиларимизнинг ҳуқуқий илмдан беҳабарлигидир. Демак, ҳуқуқий саводхонликни оширишга ҳар биримиз қўлдан келгунча ҳисса қўшмоғимиз лозим. Хитойликларнинг шундай бир машҳур ҳикмати бор: «Агар сен олдиндаги бир йилни ўйласанг, шолч эк. Ун йил илгарироқки ўйласанг, дарахт экин. Бордию бутун бир умрдаги эзгуликни ўйласанг, кишиларни ўқитиб, тарбияла!» Ҳуқуқий тарбия - ҳуқуқий маданиятни оширишнинг энг муҳим омилдир.

димилири бу борада махсус дастурлар белгилашган. Бу дастурларга қўра, улар мактаб, маҳалла, ўкув юртлари ва меҳнат жамоалари ўртасида тез-тез жонли мулоқотлар ўтказишаётди. «Ҳуқуқингизни биласизми?», «Инсонга ҳуқуқ илми нима учун керак?», «Ҳуқуқ ва ҳаёт» сингари кўплаб мавзулардаги суҳбат-мулоқотларнинг мазмуни ҳар бир кишини ҳуқуқ илмидан бохабар бўлиши зарурлигига қаратилган. Шунингдек, вилот телевиденисиде ҳам худди шундай мазмундаги суҳбатлар ва курсатувлар уюштирилляпти. Давлатимиз қонунчилиги ҳақида халққа теранроқ тушунарлар бериш, тарғибот ишларига бош қўйиш ҳамда юз бераётган турли жиноятларни кенг таҳлил этиб, беришда Шаҳрихон, Олтинқўл, Абибчи туманларининг прокурорлари - Тохиржон Саидах-

ри ҳам ёшлардир. Бу эса ўз-ўзиндан ёшларимиз онгиде қонунларимизни чуқур ўрганиш, ҳуқуқий илмдан бохабар бўлиш ҳамда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришдек эзгу мақсадлар шаклланаётганидан далолатдир. Ёшлар ўртасида турли жинотий ҳаракатларнинг содир этилиши ҳолларининг қамайишига бу учрашув ва мулоқотлар ижобий таъсир қўрсатаётгани раст.

«Қонунларимизни амалга оширмоқчи бўлсам, самарасини кўрмоқчи бўлсам, жойларда тарғибот ишларини яхши йўлга қўйишимиз лозим!» деган эдилар қўрбошимиз ҳам. Шундай экан, ҳуқуқий демократик давлат қўриш учун аввало, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш зарурлигини барчага бирдай тушуантириб бориш биз, ҳуқуқ идоралари мутасаддиларининг асосий вазифаси саналади. Шу улуг вазифага масъулият билан ёндошайлик.

**Мухитдин ИМИНОВ,**  
Андижон вилот прокурорининг  
қатта ёрдамчиси



ЭЪТИРОФ

МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНДИ

Жорий йилнинг бошида Андижон шаҳри ва Андижон туманида содир этилган муҳим ҳолатлар тинч аҳолини ларзага солиди. Навбатчилик қисмидан олинган сўғи хабарда баён этилишча, Андижон шаҳрининг Олтинкўл кўчасида истиқомат қилувчи уч опа-сингиллар Элмира, Гулмира ва Азиза Мамажоновалар, Машраб кўчасида яшовчи Одилжон Холдоров ва унинг турмуш ўртоғи Мадинахон Холдоровалар, Андижон тумани Патидинов номи жамоа ҳўжалигида истиқомат қилувчи Аҳмадкул Темиров ва унинг турмуш ўртоғи Тўпахон Рахимовалар номаълум шахслар томонидан ваҳшийларча ўлдириб кетилган эди.

Бирин-кетин содир этилган учала жиноят қўтилмаган вазиятни тақозо этишига қарамай вилоят ҳуқуқи муҳофазаси қилувчи идоралар ходимларини саросимасга солиб қўймади. Вилоят прокуратураси ва ички ишлар бошқармаси ҳамкорлиги ва ҳамжиҳатлиги натижаси ўлароқ қисқа муддат ичида жиноятчилар аниқланиб, уларнинг муҳим қилмишлари фош этилди.

Ушбу жиноятларни фош этишда, сифатли ва малакали терговни ташкил этишда, жиноятчиларни аниқлаш ва уларни қўлга олишда фаол иштирок этган бир гуруҳ ходимлар вилоят прокуратураси ва ички ишлар бошқармаси томонидан муносиб тақдирландилар. Жумладан, вилоят прокуратураси жиноятларни тергов қилиш бўлими бошлиғи О.Солиев, алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчи Х.Хўжамов, катта терговчи О.Каримов, Андижон шаҳар прокуратураси алоҳида муҳим ишлар бўлича терговчиси О.Алиев, катта терговчилар М.Ибрагимов ва О.Одиловлар раҳбарият томонидан ташакурнома ва эсдалик совғалар билан тақдирландилар. Терговчи Х.Хўжамов эса Республика Бош прокурорининг ташакурномаси билан тақдирланди.

Ф.ОТАХОНОВ, Андижон вилоят прокуратураси тергов бўлими бошлиғи

СИЗ НИМА ДЕЙСИЗ?

АЁЛГА ҚЎЛ КЎТАРИШ

ҲАҚИҚИЙ ЭРКАКНИНГ ИШИМИ?

Ҳадисларда ёзишларича, қиз болага қўл кўтарган одам дўзахийдир. Қиз болани асраб, воғая етказган кишилар эса жаннатни одамлардир. Бу билан қиз бола, аёл эоти ҳаммиса меҳрга, оқибатга сазовор эканлигини уқтиргимиз келади, ҳолос. Тан олиш керак-да, бугунги кунда айрим эркаклар уддасидан чиқа олмайётган ишларни бажараётган аёлларимизни учратиш мумкин. Хохлайсизми йўқми, улар эришардан ютуқлар, ҳаётий тажрибалар олдида баъзан ўзимизни ожиздек хис қилиб қоламиз. Лекин беш бармоқ баробар бўлмаганидек, барча аёллар ҳам бир хил эмас. Улар орасида бир оғиз ширин сўзга, илик қарашлар билан қоришган нигоҳингизга илҳақ бўлганлар қанча. Ана шундай аёллардан бири пахтаободлик Замирадир.

Замира ўрта мактабни битирган, педагогика билим юртида таҳсил олиб, уни имтиёзли диплом билан битирди. Бир қанча вақт болалар боғчасида ишлади. У ҳам тенгдош дўғоналари қатори келажакка минг бир ҳаваслар билан боқар, ширин турмуш ҳаёллари ичра бахтли онларни орзиқиб кутарди. Ҳаёт эса доим ҳам муруватли бўлавермайдди. Гоҳида у инсон бошига не кўргиликлари солиб туради. Замира ана шу кўргүликларга гирифторм бўлди. Ақли заифлашиб, касалхонада даволанишга мажбур бўлди. Даволанишлар эса самарасини бермади.

Бу касаллик аввало, унинг турмуш қуриб, бир-биридан ширин-шакар фарзандларни воғая етказишдек орзу-ҳавасларини барбод қилди. Айниқса, сеvimли ишончиси - болалар боғчасида ишлаш имконини йўққа чиқарди. Энди у ўз вақтини уйда ва касалхонада ўтказишга мажбур эди. Онаси, акалари унга меҳрибон, ҳаммиса кўнглини кўтариб, келажакка умид билан боқишга ундар, бироқ унинг қалбини азоблар тилка-пора қиларди, ҳолос. Ана шундай оғир дамларнинг бирида унинг қамқоқдаги акаси Усмон жазони ўтаб, уйга қайтди. Синглисининг аҳволига қараб, биринчи бор айтган гапи шу бўлди:

- Уни уриш керак, шунда у кўрқиб кетади ва ақли қаради. Бу каби воқеалар ҳақиқатан ҳам бўлган. Ҳатто тарихда ҳам шу каби ҳолларни мисол келтиришган. Лекин Замирага нисбатан бу усулни қўллаш мумкин эмаслигини Усмонга уқтиришса-да, у фикридан қайтмади. Кунлар ўтаверди. Усмонга синглисининг юриш-туриши умуман ёқмай қолди. Уни қўрса гаши келиб, урадиган бўлиб қолди. Усмонни укалари, онаси неча бор койидилар, ундан меҳр сўрадилар. Уч бора жиний ҳавоабарликка тортилган йигитнинг эса юраги тошдан ҳам қаттиқ эди. У синглисига раҳм қилмади. Гарчи синглининг акасига заррача ҳам малолли тегмаса-да, Усмон уни кўргани кўз, отгани ўқ топа олмай қолди. Кунларнинг бирида эса...

Уша кун Замира эрта уйғонди. Ҳовлини супуриб, сидирди. Ҳамма ёқни чинидек топ-тоза қилди. Бир оз ҳориганини сезиб, айвоғна чқиди. Оёқларини узатиб, дам ола бошлади. Шунда Усмон чой дамламоқ максадига ошхона томон йўналди. Синглисининг айвоғна ётганлигини кўриб, уни жерқиди:

- Нега қўзилди ётибсан. Урингдан тур.  
- Эрта уйғонгандим, чарчаб қолдим, - жавоб қилди синглиси.

Ака касаллига чалинган синглининг оғир меҳнатлардан ҳам ўзини олиб қўчмаслигига тан бериб ўтиргани йўқ. Унинг дам олиб ўтиришини малол олиб, қўлидаги чойнак билан синглисининг бошига аёвсиз ура болади. Боши, юзи қонга беланган сингли додлашдан нарига ўтолмади. Орадан бир неча дақиқалар ўтган Замирани касалхонага, Усмонни эса ички ишлар бўлимига олиб кетишди.

Усмон қилмишига яраша жазосини олди. Аммо бизларнинг айтмоқчи бўлган сўзимиз бу эмас. Сизга демоқчи бўлганларимиз, орамизда инсонни туйғуларини, меҳр-оқибат ришталарини чил-парчин қилиб, ўз юзига қора тамга босаётган тошбағир кимсаларнинг учраб туришидир. Усмон ва унга ўхшаш кимсалар осмондан тумшанган, улар беш билан ёнма-ён, бир ҳаводан нафас олишади. Аёл эотини қалтаклашдан ор қилмайдиган бундай ҳоил эркакларни қонун йўли билан жазолашнинг ўзи қилғоя эмас. Уларни матбуот орқали кўпчилик орасида мулзам қилиш ҳам керак. Бу ҳам инсонга тарбиявий таъсир кўрсатиш воситаси эмасми? Сиз нима дейсиз, замондош?

М.ДАДАХОНОВ, Улуғнор тумани прокуратураси терговчиси, 1-даражали ҳуқуқшунос



ПРОКУРОР НАЗОРАТИ

банкрот деб эътироф этилди. Шундан 33 тасини банкрот деб эътироф этиш ҳақидаги аризалар бевосита вилоят прокуратураси томонидан киритилди.

2000 йилда ҳам бу йўналишда прокурор назорати фаол давом эттирилмоқда.

Яқинда вилоят прокуратура идоралари томонидан Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 11 феврал кунги «1999 йилда Республикани

Андижон вилоят «Агроқурилиш» бирлашмасига қарашли Андижон туманидаги 7-механизациялашган кўчма колонна ташкилотининг мuddати ўтган кредиторлик қарзлари 10 млн. 203 минг сўм бўлиб, унинг 2 млн. 943 минг сўмини тўлаш мuddати 6 ойдан ўтиб кетган қарзлар ташкил этган. Бироқ, қорхона раҳбарлари иқтисодий ночорлик ҳолатини яшириб, ҳисобот ҳужжатларида креди-

БАНКРОТЛИКНИ ЯШИРИБ БЎЛМАЙДИ

ИҚТИСОДИЙ НОЧОР ҚОРХОНАЛАР БАНКРОТЛИГИ МАСАЛАРИ БЎЙИЧА МУЛОҲАЗАЛАР

Республика Президентининг Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида иқтисодиётнинг муҳим йўналишлари ва тегишли меъерий талаблар белгилаб берилган. Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги қонуни ҳам ана шулардан бири ҳисобланади.

Мазкур қонун иқтисодий ночор аҳволдаги қорхона ва тадбиркорларни банкрот деб эътироф этиш тартибини белгилайди. Қонуннинг 3-моддасига кўра юридик шахснинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қондиришга ёки мажбурий тўловларни тўлаш мажбуриятини бажаришга ушбу мажбуриятлар юзага келган кундан эътиборан 6 ой давомда қодир эмаслиги унинг банкротлигини кўрсатади.

Бу қонуннинг мазмун-моҳияти иқтисодий ночор аҳволга тушиб қолган қорхонага нисбатан соғломлаштириш чораларини қўллаш, агар бундай чораларни қўллаш лозим деб топилмаса, уни тугатиб, мол-мулкнинг кредиторлар ўртасида тақсимлаб беришдан иборатдир.

Қарзини 6 ойдан ортиқ мuddат тўламасдан ўзга қорхоналарнинг ишончини суиистеъмол қиладиган, бошқа ҳўжалик субъектларининг нормал фаолият юритишига халақит берувчи иқтисодий ночор қорхона аслини олганда маънавий жиҳатдан ҳам банкротликка маҳкумдир. Чўки ўзининг шартномавий бурчини мuddатда бажармаган қорхона ўзга қорхоналарнинг ҳам иш маромини бузади, фаолиятини издан чиқаради.

Шунинг учун иқтисодий ночор қорхонани банкрот деб эътироф этиш ва тугатиш ушбу қарздор қорхона билан муносабатда бўлган бошқа қорхоналарнинг қонуний ҳуқуқ ва манфатларини химоялашда ҳам муҳим роль ўйнайди.

Шу боис мазкур ҳуқуқий восита ҳўжалик муносабатларини тартибга солиш ва бошқаришда тобора кенг қўлланилмоқда.

Амалда айрим раҳбарларнинг нўноқлиги, уқувсизлиги, қўбилиятсизлиги, ўз хизмат бурчларини бажаришга етарли даражада масъулият билан ёндошмаслиги, бепарволиги каби салбий омиллар натижасида бир қанча қорхоналар иқтисодий жиҳатдан ночор аҳволга тушиб қолмоқда. Улар ўз қарзларини мuddатда тўламай бошқа қорхоналарни ҳам ҳўлдан тойдириб келмоқда.

1999 йилда вилоят ҳўжалик судида ана шундай қорхоналардан 62 тасининг банкротлик масаласи кўриб чиқилиб, 50 таси

ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва иқтисодий ислохотларнинг боришини баҳолаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг иқкинчи чакриқ Олий Мажлис 1 сессиясидagi маърузасидан келиб чиқадиган биринчи навбатдаги вазибалар тўғрисидаги қарорнинг 8-банди ижроси юзасидан пудратчи қурилиш ташкилотларида текширишлар ўтказилди.

Гарчи, расмий статистик маълумотларда ушбу тизим қорхоналарида аҳвол бинойидек кўринса-да, аслида тўлов ва шартномавий интизомни бузиш, айланма маблағлардан унумли фойдаланмаслик, ҳўжалик юритишда иқтисодий қонуниятларга амал қилмаслик, зарар кўриб ишлаш, ҳақиқий аҳволини яшириш каби бир қанча салбий ҳолатлар, қонунчилик бузилишлари мавжуд.

Жумладан, 17 та пудрат ташкилоти 1999 йилни иқтисодий зарар билан ақунлаган.

Дебитор қарзларини ундириш бўйича ўзларининг хизмат вазибаларини лозим даражада бажармай келган ва қорхонанинг банкротлик ҳолатига тушиб қолганлигини яширганлик юзасидан бир қанча ташкилот раҳбарлари ва бош ҳисобчиларига нисбатан жиноят ишлари кўзғатилди. Фаолиятда банкротлик аломатлари мавжуд 23 та қорхонани банкрот деб эътироф этиш юзасидан вилоят ҳўжалик судига аризалар киритилди.

Масалан, «Андижонсувқурилиш» акциядорлик жамиятлари бирлашмасига қарашли Балқич туман Чинобод қишлоғида жойлашган 3-сонли механизациялашган кўчма колонна очик турдаги акциядорлик жамиятининг тўлаш мuddати 6 ойдан ўтиб кетган кредиторлик қарзлари 7 млн. 146 минг сўмини ташкил этган бўлса-да, акциядорлик жамияти раҳбарлари ҳақларни ундириш ва қарзларни тўлаш чора-тадбирларини қўриш ўрнига ҳисоботларга ёлғон маълумот киритиб, банкротлик ҳолатида эканликларини яшириб келишган.

Текшириш яқунига кўра ушбу ҳиссадорлик жамиятини банкрот деб эътироф этиш ҳақида вилоят ҳўжалик судига ариза киритилди, ҳақларни ундириш чораларини кўрмаганликлари, банкротлик ҳолатини яширганликлари учун акциядорлик жамияти раиси Р.Саматов ва бош ҳисобчиси А.Бобожоновга нисбатан жиноят иши кўзғатилди.

торлик қарзларини бори-йўғи 13 минг сўм қилиб кўрсатишган. Бундан ташқари Андижон шаҳридаги «Жаҳон бозори» акциядорлик жамияти ҳудудида жойлашган қурилиш тугалланмаган 1 млн. 254 минг сўмлик 16 та савдо дўконини шартнома билан ушбу акциядорлик жамиятига 700 минг сўмга, яъни 554 минг сўм зарарига сотишган.

Ташкилот раҳбари М.Солиевга нисбатан банкротлик ҳолатини яширганлиги ва хизмат лавозимини суиистеъмол қилганлиги ҳолатлари юзасидан жиноят иши кўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда. Қорхонани банкрот деб эътироф этиш учун ҳўжалик судига ҳужжатлар тайёрланди.

Қўрғонтепа туман «Агроқурилиш-таъмирлаш» жамоа қорхонаси Қўрғонтепа туман ҳокимининг қарори билан рўйхатдан ўтган ва фаолият кўрсатиб келган.

Бироқ, қорхонада ишни ташкил этишда йўл қўйилган хатокамчиликлар тўғрисида қорхона пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қондиришга ва мажбурий тўловларни тўлашга қодир бўлмай, 1999 йилдан банкрот ҳолатига тушиб қолган. Қорхонаниг солиқ ва пенядан 2022 941 сўм қарзини унинг мол-мулкдан ундириш тўғрисида Андижон вилоят ҳўжалик судининг қарори ижроси таъминланмаган. Қорхонаниг молиявий-ҳўжалик соҳаларидаги аҳволи ёмонлашганлиги сабабли фаолияти издан чиқиб, унинг банкдаги ҳисоб рақами ёпилган.

Текшириш яқуни бўйича ушбу жамоа қорхонасини банкрот деб эътироф этиш ҳақида вилоят прокуратураси томонидан ҳўжалик судига ариза киритилди. Ариза ҳўжалик судида тарафлар иштирокида тегишли тартибда муҳокама қилинди ва жамоа қорхонаси суднинг ҳал қилув қарори билан банкрот деб эътироф этилиб, уни тугатишга доир иш кўзғатилди.

Албатта, қорхонани банкрот деб эътироф этиш ва бунда айбонли бўлган шахсларга нисбатан жиноят иши кўзғатиш охирига ва ноилоҳликдан қўриладиган чора ҳисобланади.

Айтмоқчиманки, асосийси бундай ҳолларнинг олдинки олиши ва унга йўл қўймасликдир.

Абдувахоб БАДАЛБОВЕВ, Андижон вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси, 1-даражали ҳуқуқшунос

**ПРОКУРОР БОНГ УРАДИ**

# САОДАТГА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛ

(Бошланиш 3-бегла)

А.Кожевникова нисбатан жиноят иши кўзга тилиб, суд ҳукми билан 3 йилга озодликдан маҳрум этиш, жазони умумий тарбиялаш колониясида ўташи белгиланди.

Олмалик шаҳрида яшовчи эрхотин В.Сажнев ва И.Корсановлар фарзандлари Павелнинг тарбияси билан шуғулланишмаган. Унинг онаси доимий равишда спиртли ичимлик истеъмол қилиб келган. Ҳеч қаерда ишламаган. Отаси ҳам ўғлининг қаерда юрганлиги билан умуман қизиқмаган. Оқибатда Павел мактабга ҳам катнамай қўйган, спиртли ичимлик истеъмол қила бошлаган. Ҳатто баъзан уйига бормади, мактаб биносидан тунаб қолган. Бу аҳволдан ВЕН ҳамда мактаб маъмурияти, қолаверса, маҳалла ахли хабардор бўлса-да, ҳеч қандай чора-тадбир кўришмаган. Албатта, «Кўш уясида кўганини қилади». Павелнинг шу аҳволга тушиб қолишида энг аввал оиласидagi носоғлом муҳитнинг таъсири катта. Фарзанд тарбияси, унинг тақдир билан қизиқмайдиган бундай кимсаларни оталик, оналик номига муносиб деб бўлмайди. Шу сабабли ҳам, шаҳар суди қарори билан улар ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилди. Павел эса воёга етмаган ёшлари қабул қилиш ва тақдимлаш маъмуриятига жойлаштирилди.

Тегириш яқунларини таҳлил қилар эканмиз, бир нарсага амин бўлдик. Қаердаки лоқайдлик, кампарволик бор экан, ўша жойда баччиликлар учрайди.

Ёшларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, улар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга бевосита масъул бўлган ташкилотлардан бири ҳокимликлар қошидаги воёга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиялардир. Улар ўзларига юклатилган вазифаларнинг уйдасидан чиқаятими? Афсуски, йўқ.

Тегиришларда аниқланишича, кўпчилик шаҳар ва туманларда бундай комиссиялар фақат расмийлик учунгина тузиб қўйилган.

Чирчик, Ангрэн, Бекобод шаҳар, Бекобод, Қибрай, Окқўрғон, Қуйи Чирчик ва Ўрта Чирчик туманлари ҳокимликлари қошидаги воёга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиялар томонидан воёга етмаганларни ўқиш ва ишга жойлаштириш юзасидан ўтган 3 ой давомида бирорта тадбир қўрилмаган. Ачинарлиси, қайд этилган комиссиялар ўз ҳудудларидаги бундай қаровсиз болалар ҳақида маълумотга ҳам эга эмаслар.

Масалан, Ангрэн шаҳрида бу-

гунги кунда бир неча юз нафар ўсмир ўқимаслиги, ишламаслиги ҳақида маълумотнома тақдим қилинди. Бироқ статистика бўлими, халқ таълими, меҳнат биржасида бундай маълумотлар йўқ.

Қибрай туманида воёга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликни олдини олиш борасида бир қанча ишлар амалга оширилганига қарамадан, тарбияси оғир воёга етмаганлар ўртасида бир неча жиноят содир этилган.

Аниқланишича, туман ИИБ ВЕН ҳисобида ҳозирги кунда 9 нафар бола рўйхатда туради. Уларнинг аксарияти тарбияси оғир болалар бўлиб, ВЕН томонидан профилактик тушунтириш ишлари олиб борилмаган. Улардан Е.Ревенко ва С.Ждановлар бир неча марта оғохлантиришларга қарамадан дарсларга қатнашмай юришган. Оқибатда Е.Ревенко ўғирлик жинояти содир этиб, қўлга тушган.

Шу йилнинг 3 ойи давомида туманда жиноят 3 нафар ўсмир томонидан содир этилган. Болаларни ўқитиш, тарбиялаш учун улар яшайдиган оилаларда ҳеч қандай шароит йўқ. Шундай бўлишига қарамай, на ВЕН бўлими, на маҳалла кўмитаси ва на мактаб маъмурияти бу оила билан қизиқиб кўрмаган.

Худди мана шу вазифага бевосита алоқаси бўлган жамоат ташкилотлари, жумладан, «Қамолот» ёшлар жамағармалари, «Маҳалла»-«Нуроний» жамағармалари ҳам ишаламай, ўқимай юрган ёшлар ҳақида тасаввурга эга эмаслар. Баъзан улар томонидан тадбирлар фақат расмийлик учунгина ўтказилади.

Айрим мактаб маъмуриятлари ўз ҳудудларида мактаб ёшидаги воёга етмаганларни ўз вақтида ўқишга жалб қилишмайди. Оқибатда, уларнинг ёшлари ўтиб, кейин ақли заиф болалар тарбияланадиган мактаб-интернатларига юбориш ҳоллари учрамоқда.

1988 йилда Ангрэн шаҳрида тузилган Д.Филиппов қаровсиз қолган. Шу жойдаги мактаб маъмурияти ўқишга жалб этмаган. Унинг отаси 1992 йилда, онаси 1994 йилда вафот этган. Шаҳар ҳокимлигининг 1999 йил 12 декабрдаги қарорига мувофиқ Д.Филиппов (эътибор қилинган, онаси вафот этган 5 йилдан сўнг) вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан Ўрта Чирчик туманидаги 124-сонли махсус интернатга жойлаштирилган. Шифокорлар томонидан Филиппов ўқиш ва ёзишни ўрганиш ёшидан ўтиб кетгани боис ақли заиф, деб кўрсатилган ва 1-синфга ўқишга юборилган.

Очиги, бундай мисолларни яна

келтириш мумкин. Тегириш ўтказилган ҳудудларда ҳисобга олинган, тарбияси оғир бўлган воёга етмаганларга яқка тартибда шуғулланувчи жамоатчи тарбиячилар бириктирилмаганлиги аниқланди. Мактабларда тарбиявий соатлар савияси ва сифати ҳамон талаб даражасида эмас. Сайёр суд мажлислари ташкил қилинмаган. Жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик юзасидан ҳуқуқ-тарғибот ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилгани сабабли жорий йилнинг 3 ойида 1999 йилнинг 3 ойига нисбатан ўқувчилар томонидан содир этилган жиноятлар сони ошган. Булар асосан, Қуйи Чирчик, Бустонлик туманлари, Ангрэн, Олмалик шаҳарларига тўғри келади.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, биз энг асосий эътиборни ёшларнинг фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат тўғрисидаги тасаввурларини кенгайтиришга, уларнинг маънавий дунёқараши баркамол бўлишига қаратишимиз лозим. Ёшларимиз қалби, дунёқараши ва ҳатти-ҳаракати қанчалик мутолиқан овоз бўлса юртимиз келажакнинг пойдевори шунчалик мустаҳкам бўлади.

Буёқ маърифатпарвар Абдулла Авлоний таъкидлагандек, тарбия - саодатга ҳам, фалокатга ҳам элтувчидир. Бунга ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турибди. Қаерда таълим-тарбия талаб даражасида бўлмаса, ўша ерда ҳуқуқбузарлик содир этилади. Соғлом, маънавий баркамол авлод этиштириш давлат сиёсати даражасига кўтарилган шароитда юқорида тилга олинган муаммоларни бартараф этишда бундай жамоатчиликнинг ҳамкорлиги зарур, деб билиман.

**Комилжон ИСМОИЛОВ,**  
Тошкент вилоят прокурори

**ТАДБИР**

(Бошланиш 3-бегла)

ишлаб чиқиб, вазифалар белгилаб олинди. Бундан ташқари соҳани нопок кишилардан тазолаш ишларини олиб бормоқдамиз. Бу бўйича махсус гуруҳ тузилиб, рейдлар ўтказаямиз.

Соғлом авлод дастури бўйича маълум ишлар қилинди. Болалар ва аёллар ўлимни камайтиришга эришдик. Ҳомилдорлик пайтида касалланган аёлларни тиббий кўриқдан ўтказиб боланинг соғлом туғилиши учун чоралар кўрямиз. Афсуски, айрим раҳбарларнинг юқоридаги каби тушунтиришлари ҳеч қандай тош босмайди.

Қонун бузилишига нима сабабдан очикдан-очик йўл қўйилаёт-

# АМАЛИЙ ИШГА ЎТАЙЛИК

ганлиги, соҳа ходимлари қаерга қараётганликлари тўғрисидаги саволларга туман СЭС идораси, коммунал хизмат кўрсатиш, банк ва бошқа мутасадди идораларнинг раҳбарлари «Чоралар кўрямиз, олдини оламиз» дейишдан нарига ўтолмадилар.

Биргина аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш бўлиmlари бўйича айрим тоифадаги фуқароларга берилган имтиёزلардан фойдаланишнинг қонунийлиги танлов асосида, яъни ундан фойдаланаётган шахсларнинг айримлари тегириб қўрилганда, уларнинг кўпчилиги қалбаки ҳужжатлар асосида бу имтиёздан фойдаланаётганлиги ва бунинг натижасида давлатга 800 минг сўм миқдорда зарар етказилганлиги аниқланган. Айрим одамлар ўзларини «университет ўқитувчиси» деган маълумотномалар олиб келиб беришган. Суриштириб келсангиз, улар бу соҳага умуман алоқаси бўлмаган шахслардир. Қолаверса, бу маълумотнома берган Олий даргоҳ ходимлари кимлар? Бу кимсалар бундай нуфузли муассаса шайнига қанчалик «оброў» олиб келаятганлиги тўғрисида ҳеч ўйлаб кўришганми ўзи? Бунга назорат қилувчи идора ходимлари қаерга қараётдилар? Нима сабабдан улар ўз вақтида фош этилиб, тегишли органларга хабар қилинмаган?

Афсуски, йилгилишда бу каби аччиқ саволларга қониқарли жавоб берилмади.

**Б.Ҳақназаров:**

— Бу ерга тўпланишдан мақсад йўл қўйилган камчиликларни бир-биримизга очик-ойдин айтиб, уларни бартараф этиш йўллари биргаликда излаб топишдир. Прокуратура жипслашишга имкон излаётган бир пайтда нима учун айрим идоралар раҳбарлари бундан ўзини олиб қочади? Шаҳар прокуратурасининг ташаббуси билан эълон қилинган тартибга мувофиқ, ойнинг биринчи ва охириги шанбасида туман прокурори тадбиркорларни қизиқтирган ҳар қандай саволлар бўйича қабул қилади. Марҳамат, келинглр.

Бундан икки ой олдин бўлиб ўтган кенгаш йилгилиши воёга етмаганлар ўртасидаги жиноятчилик кўрсаткичи туманда ошиб кетганлиги масаласига бағишланган эди. Бу сафарги йилгилиш тугагач, биз ўтган сафарги йилгилиш қанчалик самара берганлиги билан қизиқиб кўрдик. Маълум бўлишича, масъулиятни ҳис этган идора ходимларининг ёрдами билан воёга етмаганлар ўртасидаги жиноятларни камайтиришга эришилган. Уйлаймизки, бу сафарги йилгилиш ҳам ўз мевасини беради. Унда иштирок этган раҳбарлар айтилган гаплардан тўғри хулоса чиқариб оладилар.

**Дониёр ХАЛИЛОВ,**  
«Хуқук» муҳбири

**САЙЁР ҚАБУЛ**

# ДАЪВОГАРЛИК ҲИССИНИ УЙҒОТАЙЛИК

Фаргона вилояти прокуратураси раҳбарияти туманларда ўтказаятган сайёр қабулларда, шунингдек вилоят прокуратураси биносидаги матбуот конференциясида ана шу гоё, ана шу талаб, ана шу даъват етакчилик қилди.

Матбуот конференциясига Республика оммавий ахборот воситаларининг вилоят муҳбирлари, вилоят, шаҳарлар ва туманлар телевидениеси, радио ва матбуоти вакиллари таклиф этилдилар.

Вилоят прокурори, адлия маслаҳатчиси Юсупжон Абдукаримов ҳуқуқ-тартибот идораларининг бош вазифаси қонунбузарлик ва жиноятларнинг олдини олишдан иборатлигини алоҳида ўқирди. Ошқоралик, ҳуқуқий тарғибот, ижтимоий ҳимоя, меҳнат ва бандлик бунга эришишнинг асосий воситаларидир. Фуқароларнинг ҳуқуқий шуурини шакллантириш ва ривожлантиришда матбуот, бошқа оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти беқиёс. Матбуот давлат идоралари билан аҳоли ўртасида ўзига хос кўприк вазифасини ўтайди, журналистлар жиноятчиликка қарши муросасиз жамоатчилик фикрини шакллантирувчи катта кучдир. Ана шу кучдан унумли фойдаланиб, аҳолининг ҳуқуқий билим савиясини ошириб бориш, фуқароларда даъвогарлик ҳиссини уйғотиш, ҳақ-ҳуқуқларини талаб қила оладиган даражада фаол бўлишларига эришиш зарур. Бунга эришиш учун чоп этилаётган мақолалар, радио, телевидение чиқишларида ҳуқуқбузарлик ва жиноятларни келтириб чиқараётган ижтимоий-иқтисодий сабаблар атрофича таҳлил қилиниши ва уларни бартараф этишга оид таклиф-мулоҳазалар илгари сурилиши даркор. Юсуп Абдукаримов қириш сўзида сўнг журналистларнинг кўпдан кўп саволларига жавоб берди.


Жумладан, Ўзбекистон телевидениесининг Фарго-

на вилояти бўйича муҳбири М.Обидов, Фаргона вилояти телерадиокомпанияси раиси А.Худойназаров, «Халқ сўзи», «Фидокор» газеталарининг вилоятдаги муҳбирлари Н.Собиров, М.Юсупов, «Марғилон ҳақиқати» газетаси муҳаррири Д.Мўминова, Марғилон шаҳар телевидениеси раҳбари Б.Тошпўлатовларнинг фуқароларнинг мувожаатларини кўриб чиқиб, ишчиласи, иш ҳақини тўлашдаги узилишлар, ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини тегиришнинг мувофиқлаштириш ва бошқа, одамларнинг тили учун турган муаммоларга оид саволларига батафсил жавоб берад экан, бу муаммоларни ўзаро ҳамкорликда ҳал қилиб боришга даъват этди. Матбуот Конференцияси сўнггида Ю.Абдукаримов республика прокуратурасининг раҳбарияти ошқоралик, ижтимоий ҳимоя, ишчиласини камайтиришга алоҳида аҳамият бераётганини таъкидлади.

\*\*\*

Фаргона вилоят прокурори Ю.Абдукаримов Охунбоев туманида, прокурорнинг биринчи ўринбосари Р.Каримов Данғара туманида, прокурор ўринбосари Н.Исақов Сўх туманида фуқаролар билан сайёр қабул-учрашувларини ўтказдилар. Туман ҳокимликлари, ҳуқуқ-тартибот идораларининг раҳбарлари иштирок этган ушбу учрашувларда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, пенсия таъминоти, нафақалар тайинлаш, меҳнат ва бандликка оид фуқароларнинг дилидаги -тилидаги масалалар очик-чигасига муҳокама қилинди. Бу соҳадаги қонунбузарликларни дарҳол бартараф этиш чоралари белгиланди.

**Исроил ИБРОҲИМОВ,**  
«Хуқук» муҳбири



Суратда: Тошкент вилоят прокуратураси воёга етмаганлар ҳақидаги қонуларни ижро этиш устидан назорат қилиш бўйича прокурор қатна ердмачини Э. Бегматов (ундан иккинчи) навбатдаги вазифаларни белгилаб олмақда.



# ХУҚУҚИЙ

## Маслаҳатхона

САВОЛЛАР ЖАВОБЛАР

Менинг турмуш ўртоғим жиноят содир этиб қамалиб қолди. Тергов ҳам тугаб, суд ҳукми чиқди. Лекин уни ҳукм чиққан кунни суд залидан олиб чиқиб кетганича бошқа кўрсаткич йўқ. Орадан бир ой ўтди ҳамки, уни қаерга олиб кетишганини билолмаяман. Суддан ва милиция бўлимига ҳам у қаерга олиб кетилганини тўғрисида маълумот ололмадим. Буни қаердан билиш мумкин? Эки унинг йўзидан хат келгунча кутиб туриш керакми?

Зарифа Саидова,  
Фаргона вилояти.

Турмуш ўртоғининг қаерга олиб кетилганлигини билмаслигиниз сабаби шунданки, суд жиноят содир этган шахсга нисбатан озодликдан маҳрум этиш жазосини белгилаганда фақатгина жазо тури ва уни ўташ тартибини кўрсатиб ўтади, холос. Маҳкум жазони қайси ва қаерда жойлашган муассасада ўташи Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширилади. Бу ерда яна бир ҳолат, шахс жиноят содир этган бўлиб, эҳтиёт чораси сифатида қамоқда(тергов ҳибсхонасида) сақланаётган бўлса, тергов ҳаракатлари тугатилиб то суд ҳукми чиқиб у қонуний кучга киргунга қадар шу ерда сақланади (бундан ташқари суд залининг ўзида ҳибсга олиналган ҳам).

Ҳукм қонуний кучга киргач, суд бу тўғрисида тергов ҳибсхонаси маъмуриятга хабарнома юборди. Ҳибсхона маъмурияти хабарномани олган кундан бошлаб ўн кун ичида маҳкумни жазони ўтатиш учун жўнатади ва бу тўғрисида маҳкумнинг оиласига уч кун ичида хабар юборди.

Маҳкум жазони ижро этиш муассасасига етиб келгач, ушбу муассаса маъмурияти у етиб келганлиги ҳақида ҳукм чиқарган судга уч кун ичида маълум қилиши, шунингдек, маҳкумнинг оиласига муассаса манзилни кўрсатиб ҳамда ёзишмалар олиб бориш, учрашув, почта олиш ва бошқа шу каби ҳуқуқларини тўшунтириб хабарнома юбориши шарт.

Боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олаётган аёл янги турмуш қўраганида пенсия олиши давом этадими?

Дилором Шарипова,  
Тошкент шаҳри.

Боқувчисининг вафот этганлиги сабабли тайинланган пенсияни олиш ҳуқуқи уни олаётган шахс (эр ёки хотин) янги никоҳдан ўтганидан кейин ҳам сақланиб қолади.

Мен бир ташкилотда 1999 йил ноябрь ойигача раҳбар бўлиб ишлардим. Ишлаб юрган пайтимида бошқа бир ташкилотга шартнома асосида хизмат кўрсатган эдик. Орадан уч ой ўтгач биз сизмат кўрсатган ташкилотда тафтиш ўтказилиб, унинг натижаларида кўра жиноят иш қўзғатилди. Бу иш бўйича мени ҳам бир-икки бор тўғрисида сўрашди. Мен бориб кўрсатма бердим. Лекин ишни олиб бораётган терговчи мендан ҳам айб топиб, мени ишдан вақтинча бўшатилиш тўғрисида қарор чиқарди. Суд ҳам бўлиб ўтди, менга қўйилган айб ўз тасдиғини топмади. Тушунмаган томоним шуки, ишга умуман алоқаси бўлмаган одамни дастлаб тўғрисида сўраб, сўнг айбдор сифатида жалб этиб, ишдан олиб ташлаш мумкинми?

О.Курбонбоев,  
Қорақалпоғистон

Жиноят процессида (жиноят иши қўзғатилишидан тортиб, то у қонуний ҳал бўлгунча бўлган жараён) процессуал мажбурият деган чора бор. Бу чора жиноят процессида тергов ёки суд ҳаракатларини амалга оширишга тўқтинлик қилаётган, ўзига юклатилган мажбуриятларни бажармаётган жиноят процесси широкчиликларнинг жиноий фаолиятини давом эттиришини олдини олиш ва ҳукм ижросини тасмишлаш учун зарурият туғилгандагина ва бунинг учун етарли асослар бўлганда қўлланилади.

Лавозимдан четлатиш ҳам процессуал мажбурият чорасига кириб, у фақат айбланувчи, судланувчига нисбатан қўлланилиши мумкин, холос. Шахсни айбланувчи деб топиш учун у содир этилган жиноятга бевосита алоқаси бўлган ва бу тегишли далиллар билан исботланган бўлиши лозим.

Бундай шахсларни лавозимдан четлатиш чораси ўз иши жойида қолса ҳақиқатини аниқлашга, жиноят оқибатида етказилган зарарни қоплашга тўқтинлик қилиши ёки жиноий фаолиятини давом эттириши мумкин, деб ҳисобланган тақдирда қўлланилиши мумкин.

Агарда бу чора қўлланилган бўлса-да, лекин тергов органига маълум ҳолатлар бўйича унга зарурат қолмаган тақдирда айбланувчини, судланувчини лавозимдан четлатиш тўғрисидаги қарор ёки ажрим сурштирувчи, терговчи, прокурор ёхуд суд томонидан бекор қилинади.

Шахсинг айбсизлиги исботланганда суд ўзининг оқлов ҳукмида ёки ишни тугатиш ҳақидаги ажримда судланувчини лавозимдан четлатишнинг бекор қилиди.

Агар лавозимдан четлатилган шахсининг содир этилган жиноятга дахли бўлмаса, унинг қилишида жиноят аломати бўлмаса, шунингдек бошқа ҳолатлар бўйича лавозимдан қонунга хилоф равишда четлатилган бўлса, унга етказилган барча моддий ва маънавий зарарлар тўла ҳамдан қопланиши лозим.

# АҚЛНИ ПЕШЛАЙДИГАН «БЕКАТ»

## АРХИТЕКТОР МУОВИНИНИ ЎЗ БАҒРИГА ОЛДИ

Бир-икки ёлғонлари рост ўрнида ўтганини кўрган «Алдар қўса»лар аста-секин фарибгарлик кўчасига тойганиб кетганларини сезмай қоладилар. Ёлғончилик билан фарибгарлик, беадаблик билан жиноят ўртасидаги кўз илгасмас чегарадан «бездарар» ўтиб олишгандан кейин алдоқчилик тарки одат амри-маҳолга айланади. Бироқ фарибгар бир фариб беради, икки беради, охир-оқибат тузоғига ўзи тушади. Хошимжон бу гапларни илгарироқ ўйлаб кўрмаганча минг афсус қилар, ҳар бир иш бошида одамнинг ақлини пешлайдиган «бекат» зарурлигига иймон келтирарди. Лекин ишнинг сўнггидаги «бекат»дан - суднинг чора курсисидан ўзи асра-син...

Шу пайтгача Хошимжон Марғилон шаҳрида савдо дўконлари бор автобус бекатлари қурилишини лойиҳалаб беришда бирон-бир «муаммага» дуч келмаганди. Бекат қуриш илжинидаги бойваччаларнинг ўзлари «хазирги мошга яшаб бўларканми, «тирикчилигимизга» деб уч-тўрт сўм «эхсон» қилишарди. Бу мардларнинг «мардлик»лари йўлдан оздирдим, Хошимжон хузурига бирон-бир юмуш билан кирган ҳар

бир одамнинг «мардлигига» кўз тикишга одатланди. Ҳожатмандага дарров «бўпти» деб юбормасдан бир-икки «югуртирса» мард бўлиб кетишини тажрибасида сонаиб кўрган Марғилон шаҳар шаҳарозлик ва архитектура идораси бошлигининг ўринбосари (собиқ) Хошимжон Собиров Ҳамиджонга ҳам ўша «синалган усулни» қўлади.

- Аризамни сизга ижро учун чиқаришганидан, - деди Ҳамиджон. - Манга теккани йўқ, - кўзини лўқ қилиб алдади Хошимжон. Ҳамиджон шаҳар ҳокимлигига қайтиб бориб сурштирса, аризамни архитектурага аллақачон жўнатишган, бунинг ҳужжатли тасдиғи ҳам бор экан. - Э-ҳа, шунақами, - деди Хошимжон. Хали йўлдадир-да! Биласиз-у почтани! Майли, қроғз келгунча бекат қуриладиган жойни бориб кўрамураимиз-у... Пича харажати бор-да!

- Бемалол айтаверинг, ака!
- Ёнида қанча бор?
- Ўн минг...
- Баққа беруриг, Квитанциясини Бугалтердан оббераман ўзим. Мошиней борми?
- Пиедаман...
- Мани мошинам бор-у, бензин

чаток, бир ойлик фонди ўн кунгаям етмайди!

- Бензинни қуйиб бераман! Сурхтепа маҳалласи ҳали янги, чиндан автобус бекати йўқ эди. «Генпланда» эса бекат кўзда тутилган эди. Шунинг учун архитектор ўринбосари «дангалига» ёлғонни ямлабосари ютди.

- Ишди бошларинг! Бағини ўзим ҳужжатлаштириб қўяман. Бағи 45 минг сўмга бориб қолади!

Ҳамиджон ҳам мард-у, лекин келса-келмаса ўн беш, деб пулини шамолга совурадиган анойлардан эмас, пешона тери билан толгани учун қадрини биларди. «Остановкалар»нинг «АПЗ» ва бошқа лойиҳа ҳужжатлари йиғирма минг сўм атрофида туришини сурштириб кўрганди. Лойиҳадан ташқари қурилиш харажатлари ҳам анчагина! Бу одамга «ортиқча» берадиган пулга ҳеч бўлмаса шифер келади-ку!..

Ҳамиджон орадан тўрт кун ўтиб, 1999 йил 29 ноябрь кун Марғилон шаҳар шаҳарозлик ва архитектура идорасига бориб, Хошимжонга учради. Келишилганидан тўрт кун аввал берган ўн мингга қўшимча ўттиз беш минг сўмини мувоинга эзатди. Муовин бир кўнгли «бугалтердан ҳисоблатиб, пулни банкка топшириб, квитанциясини кўрсатсезбас», демоқчи бўлди-ю, «югурчи қўли» фикридан илдамрок пуллари олиб, стол тортмасига ташлади...

Автобус бекати ва савдо дўкони қуриш учун лойиҳа ҳужжатларига тўртинчи зарур 22183 сўмини икки баробар ошириб айтиб, бугалтерига ўзим қирим қилдириб қўяман, деб алдаб, фуқаро Х.Маллабоевдан фарибгарлик билан 45 минг сўм «ундириб» олган Хошимжон Собиров «ахлоқни тугатиш бекатида» ақлини пешлайдиган бўлди.

Исроил ИБРОХИМОВ,  
журналист

### «ХУҚУҚ» НАЗОРАТИ ОСТИДА

## НАЙРАНГБОЗЛИК

ЁХУД БЕШ ЙИЛДАН БЕРИ ҚОНУНИЙ ҲАЛ БЎЛМАЁТГАН УЙ

Мен 1995 йили Бердалиев Ҳамидбек билан ўзаро келишиб Гулистон шаҳридаги 3-мавзе 4-уй 25-хонани сотиб олган эдим. Бу тўғрисида шартнома тузиб, уни 1995 йилнинг 8 ноябрь кун Гулистон шаҳар 1-давлат нотариал идораси томонидан тасдиқлатиб олган эдим. Лекин кейинчалик билсам бу уй ҳужжатларида камчиликлар мавжуд бўлиб, Ҳ.Бердалиев бунинг мендан яширган экан. Мана шу ҳолатлар тузилган олди-соти шартномасининг Гулистон шаҳар суди томонидан бекор қилинишига олиб келди.

Ҳ.Бердалиевдан нима учун мени алдаганлигини сўраганимда, у ҳеч қаерга арз қилма, сенга бошқа жойдаги уйимни бераман, деб 4-мавзе 15-уй 36-хонадонга кириб қўйди. (Уй учун пул тўладим. Ҳ.Бердалиевнинг пул олганлиги тўғрисида тилхати ҳам бор).

Мен яшаб турган уй ҳужжатларга кўра Г.Джадигарова деган шахсга тегишли экан.

Ҳ.Бердалиевдан уйни тезроқ расмийлаштириб беришни сўраганимда, у ҳар сафар турли хил баҳоналар билан қочиб юрди. 1996 йил 11 июль кун эса Гулистон шаҳар суди 4-мавзе 15-уй 36-хона ҳеч қандай олди-соти қилинмаслиги тўғрисида махсус хат чиқарди. Лекин орадан бир йил (1997 йил 16 июль) ўтгач Гулистон шаҳар 1-давлат нотариал идораси Ҳ.Бердалиевнинг илтимоси билан маъзур уйни фуқаро М.Ақбутаев Г.Джадигаровадан сотиб олганлиги ҳақидаги олди-соти шартномасини тасдиқлаб беради. М.Ақбутаев уй низоли эканлигини билиб қолгач, тузилган шартномани бекор қилишни сўраб нотариал идорага мурожаат этади. Нотариал идора унинг талабини қондиради.

Шундан сўнг нотариус М.Эминова менга уй низоли эмаслиги тўғрисида сўддан далолатнома ва БТИдан Г.Джадигарованинг фуқаро Ж.Дусматовдан сотиб олганлиги ҳақидаги шартнома нусхасини олиб келиб беришни айтди. У одамнинг айтганларини олиб келиб бердим. Аммо у ҳар хил баҳоналар билан уйни менга расмийлаштиришни орқага суриб юрверди. Кейин билсам нотариус Ҳ.Бердалиевнинг ораси Б.Суюнобаев уй олди-соти қилинганлиги тўғрисида шартномани тасдиқлаб беради. Нотариус менинг аризам турганида қандай қилиб бошқа кишини рўйхатга олганини тушунмай қолдим.

Мен бу уйда 1995 йилдан буён яшаб келяпман. Шу вақтдан бери барча коммунал хизматлар учун ҳақни ўзим тўлаганман. Ҳ.Бердалиев эса пулини олиб, мени сарсон қилиб алдаб юрибди. Суд ва бошқа идораларга мурожаат қилганимда, улар Ҳ.Бердалиевнинг номини эшитишлари билан, у одамнинг қилганини билмасиз қўйинг, бизга ҳам тинчлик керак, деб жавоб қайтаришмоқда. Республика миқёсидаги идораларга мурожаат қилганимда, масала вилоятнинг ўзида ҳал бўлишини айтишди. Вилоятда эса кўкоридидаги ҳолат.

Бу сарсонгарчиликларнинг охири борми? Фарибгарларга қонуний чора борми ёки улар чўнтагини қаппайтириб юрверадиларми?

Гулчехра ХОЛМУРОВОВА,  
Гулистон шаҳри.

**ТАҲРИРИЯТДАН:** Хатдан маълум бўлишича, фуқаро Х. Бердалиев Г.Холмуродовани бир неча йилдан бери «уй олиб бераман» деб, пулини олиб алдаб юрибди. Лекин шуниси қизиқки, унинг барча найранглариди Гулистон шаҳридаги 1-давлат нотариал идораси широкч этмоқда. Биринчи ҳолатда унинг олди-соти шартномасини тасдиқлашдан олдин уни ҳар томонлама ўрганмаган (ёки ўрганишни хохламаган), иккинчи ҳолатда эса уй низоли бўлишига қарамайдан тох бир кишига, гоҳ иккинчисига олди-соти қилинишига йўл қўйган. Охир-оқибат Г. Холмуродова 5 йилдирки, на пулини олади, на уйлик бўлаолди.

Уйлаймизки, Сирдарё вилояти тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари масаланинг қонуний ҳал этилишига ёрдам қилдилар.

### АЖАБ ДУНЁ


## СУЛТОННИНГ «КАМБАҒАЛ» УКАСИ

Бруней султонининг кичик укаси шахзода Жефри Боклихнинг ўта хурсандчилик билан ўтказган дамлари ўз повнига етган қуринади. Сабаби, у давлат хазинасидан ўтган охириги 10 йил давомида 3 миллиард долларни сарфлаб юборган. Бруней Олий суди шоввоз шахзоданинг ҳисоб рақамини «музлатиб» қўйиб, унга ойига атиги 59 минг доллар микдордаги моёна тўлаб туррилиши тўғрисида қарор қабул қилди.

Шахзоданинг адвокатлари бу «ўта кулгули» пул суммасини эшитиб хайратда қолиши ва ҳеч бўлмаса, ярим миллион доллар тўла-нишини талаб қилишди. Улар судга қирол қарамогиди одамлар учун сарф қилинадиган харажатларни ҳисоблаб қўришни таклиф этишди: тўртта қонуний хотини, 35 нафар фарзанди ва ҳисобсиз қанизақлар. Ундан ташқари икки мингта яқин автомобиллар, 17 та самолёт ва ҳокзо жонсиз мулклари мавжуд.

Суд кичик шахзоданинг хотини ва болаларининг қанчалик «камбағал» аҳволга тушиб қолиши мумкинлигини тасаввур қилиб кўргач, ойи-рия бадали микдорини айрига 300 минг долларга оширди.

**КРОССВОРД**



ЭНИГА: 1.Овқатсиз 2,5 йил яшай оладиган захарли ўргимчак. 4.Фарбий Осиёдаги энг йирик дарё. 9.Ёш қорамол. 10.Россиянинг шимолий-ғарбидаги ярим орол. 11.17-асрада пайдо бўлган скрипка оиласига мансуб торли камонсиз соз. 14.Темурийлар авлодидаги мансуб шоир ва тарихчи ҳукмдор. 17.Чин мамлакатининг пойтахти. 18.Куянинг амриқоча номи. 19.Кимёвий элемент, инерт газ. 20.Бирлашмаларнинг мурақаб формаларидан бири. 21.Замонавий ўзбек эстрада гуруҳи. 25.Уч электродли электрон лампа. 26.Ўткир спиртли ичимлик тури. 30.Қадимги юнон файласуфи. 32.Россиянинг энг совуқ денгизларидан бири. 33.Унга дуч келмаган маъқул. 34.Япроқлари баргизуб барги сингари чўзиқ, кўнғироқчасимон майда гулли ўсимлик. 35.Тяньшаньдаги тоғ тизмаси.

**БҮЙИГА:** 2.Санъат тури. 3.Жонрид Абдуллахонов асари. 5.Осмон, кўк, гардун. 6.Кичик Осиёнинг шимолий-ғарбида мавжуд бўлган қадимги шаҳар. 7.Қадимги юнон афсоналаридаги жангчи аёл. 8. Навоий шахрининг тарихий номи. 9.Жанубий мамлакатларда ўсадиган, танаси қамишга ўхшаш, баланд бўлиб ўсимлик. 12.Пойтахтдаги маданий ҳордиқ чиқариш масканларидан бири. 13.Математиканинг бир бўлими. 15.1-рус революцион газетаси. 16.Судда иши химоя қилишдан иборат бўлган шахс. 21.Чуқур сув остида ишлайдиган узюмор аппарат. 22.Урф-одатлар муносабати билан ўтказиладиган маъража. 23.Суринам давлати территориясининг аввалги номи. 27.Ҳинд ёзувчиси, «Кули» асари муаллифи. 28.Олди-сотди қилинадиган жой. 29.Атрофи сувдан иборат бўлган қуруқлик. 31.«Кувенча» лақабини олган автоулов.

Тузувчи: Тожиали Умаров

**Ўтган сонда берилган кроссворд жавоблари:**

**Энига:** 7. Одеколон. 8. Сурапати. 10. Томошабин. 11. Кедр. 13. Арра. 14. Намат. 15. Саржин. 17. Олачқ. 18. Исриқ. 19. Камчиқ. 23. Сарҳад. 24. Нутрия. 25. Пирог. 27. Илон. 28. Нақш. 29. Валериана. 31. Суренота. 32. Дурганур.

**Бўйига:** 1. Адгелгар. 2. Торт. 3. Ботмон. 4. Мусбат. 5. Канн. 6. Иттербий. 9. Ишемия. 12. Рожастхон. 13. Дробистон. 16. Наряд. 17. Осмон. 20. Саллагул. 21. Аврора. 22. Мирқуруқ. 25. Пальто. 26. Градус. 29. Вино. 30. Аро.

**МИТТИ ҲАЖВ**

**ТАЖРИБА**

- Ана улар нима қилишяпти?  
Кўшни қурилиш участкасидан тажриба алмашгани келган меҳмонлардан бирининг бу саволи ҳамма-ни ўша томонга қаратди.  
- Ана уларми? - деди бошлиғимиз ўша томонга кўлини бигиз қилиб. - Ишлашяпти!  
Меҳмонларнинг гуруҳ раҳбари елка қисди.  
- Қанақа иш эканки, бирови қазиб, унинг қазганини иккинчиси кўмиб бурса? Бу ерда мантйқ қани?  
- Мантйқ? - деди бошлиғимиз меҳмонларни ишлаётганлар томон бошларкан. - Уч кишилик ишни икки киши бажараяпти. Мантйқ ана шунда!  
- Бу ерда учинчи кишининг нима кераги бор?  
- Учинчи киши ана шу қазилган чуқурга электр сими ётқиизиши керак эди. Афсуски, у бугун ишга келмаган.  
- Келмаган бўлса, ишни тўхтатиш керак!  
- Нимага энди? Агар бир кишини деб ишни тўхтатасан, бу икки киши ҳам ишламай ўтиришига тўғри келади. Ишламаган тишламайди, деган нақл бор. Масалан, шерингиз ишга келмай қолса, сиз ҳам бекор ўтирмайсиз-ку, тўғрими?  
- Бу тажрибани ўрганиш керак экан, - деди меҳмонлар гуруҳ раҳбари бошини сарак-сарак қилиб.  
- Бизда ўрганадиган ишлар кўп, - деди бошлиғимиз меҳмонларни бошқа участка томон бошларкан...

Илҳом ЗОЙИР

**БИР ЧИМДИМ КУЛГУ**

**ЭМОЖ**

**ЛИФТ ИШЛАМАЙДИ.  
ЯҚИН ОРАДАГИ ЛИФТ  
КЎШНИ ПОАЪБЕЗААА.**

Сантехник Вая

- Эртага зиёфат. Қатнашайми йўқми, сен нима дейсан?
- Ким зиёфат бераяпти ўзи?
- Мен-да...

Бир кишидан оғайниси ҳадеб сигарет сўрайвериб жонига тегиб кетибди. Бир кун у сўраб чекувчи ўртоғидан сўрабди:

- Сигаретинг бор-ми ?
- Бор, — дебди у умрида биринчи бор.
- Унда ўзимнинг сигаретамни чексам майлими?

- Гугуртинг бериб тур.
- Бу найрагинг энди ўтмайди, оғайни !
- Қайси найрагинг?
- Қачон сенга гугурт берсам, қайтиб берганингда ҳар доим бир донаси кам чиқади.

Бир киши таксофонга тикилиб турган танишини қўриб сўради:  
— Бу бузуқ телефонинг нимаси ёқдики, унга тикилиб қолдинг?  
— Қанийди, шу бузуқ телефонга ўхшаб кимсамга тушган пул қайтиб чиқмаса...

- ДАН ходими «Мерс-600»ни тўхтатиб:  
-Хужжатларингиз !  
Хайдовчи хужжатларини кўрсатади, ҳаммаси жойида.  
ДАН ходими чуқур хўрсиниб, хужжатларни қайтариб бературиб, дейди:  
-Энди аптечкангизни кўрсатинг !  
Мерседесда аса хатто кичик рентген аппарати ва сунъий нафас олиш аппарати ҳам бўлган антика аптечка бор экан.  
ДАНчи нима дейишини билмай, иккиланиб турганида, хайдовчи:  
- Мен кетсам бўлаверадими ?  
- Майли, агар бунга виждонингиз йўл қўйса...

**МУЛОҲАЗА**

**СИМЁҒОЧДАГИ  
«АЙБНОМА»**

Сўнги пайларда ўзбошимча "қораловчилар"у, ўзбилармон "қозисудьялар" пайдо бўлиб қолмоқда. Бу "судья"лар симёғочларга, "душман"ларининг кўча эшикларига инсоний шаънларини ҳақоратловчи бўхтондан иборат "айбнома"ларни ёпиштириб кетишяпти. Ана шундай айбномалардан бирини Тўқимачилар касалхонаси ёнидаги автобус бекатида, симёғочда бехос ўқиб қолдим-у, газабланиб кўчириб олдим. Аввалига шу ернинг ўзида майда-майда қилиб йиртиб ташламоқчи бўлдим-у, кейин ўйланиб қолдим.

Тасодифан, шаҳардаги биронта симёғочда ўзи тўғрисидаги бўхтонни ўқийётган одамнинг ўрнига ўзимни қўйиб кўрдим. Бу бўхтонни ким уюштирди, ким ёзди деб, минг хаёлда тўлғонаётгандир? Дилига шубҳа ўрлаб, бирга ишлайдиган, битта маҳаллада яшайдиган таниш-билишларни, узок-яқин дўстларидан гумонсираб, юрагидаги одамларга нисбатан ИШОНЧга дарз кетгандир? Ўзига нисбатан, оила аъзоларига нисбатан ёзилган, ростми-ёлғонми, тўхматларни ўқиган ҳар қандай киши дилида ўч, интиком туйғуси алангаланган. Вақт ҳамма нарсаинг даъвоиё- вақт ўтиб, аста-секин совибди, лекин агар тўхматчи топилмаса, ҳеч кимга ишонмай кўди. Бундан ортқ азоб борми? Симёғочга ёпиштирилган "айбнома" муаллифининг мафнур мақсади ҳам шу эмасми?! "Менга нима" деган лоқайдлик билан қораярак кимсаларнинг болалашига шариот яратиб беришга ҳаққимиз йўқ. Мен танимаган, мен билмаган одам шаънига тўқилган ҳақоратнома, бир кун иенинг ҳам шаънига тўқилмаслигига ким қалолат бера олади?!

Ушбу айбнома оқ қозоғга қизил ва яшил рангли қаламда қўл билан катта-катта босма харфларда битилган. Табиийки, тўхматчи "қораловчи" ўз исмини, адресини ёзиб қолдирмаган. Демак, тўхмат учун, беғуноҳ фуқаро шаънини ҳақоратлайдиган бўхтон гапларни хоҳ озсаки, хоҳ ёзма ҳолда таркатганлик учун фақат маъмурий жавобгарлик эмас, хатто жиноий жавобгарлик кўзда тутилганидан яши хабардор. Яна бир жиҳати, "қораловчи" олий маълумотли, чунки, матнда биронта ҳам имло хатоси йўқ.

Бу кимсани бир кўрсам эди! Хўп, айтайлик, ўша одам сенга ёвузлик қилди, пора олиб, ишининг битказиб бермади, олган пулиниям қайтармади. Унга қонуний чора бор-ку! Емонликка ёмонлик билан жавоб қайтарсанг яна битта ёмонлик туғилади! Бунга чек қўйиш учун милиция ходимлари симёғочларга ёпиштириб қўйилаётган "айбнома"ларнинг муаллифларини қидириб топишлари, улар охиқ суд қилиниши лозим.

Исроил ИБРОҲИМОВ,  
журналист  
Фаргона шаҳри

**ЯНГИЛИК**

**ТАНИЛИШНИ  
ХОҲЛАЙСИЗМИ?**

Сиз ўз фикрларингиз билан ўртқоқлашини ва сизни ўқишларини истайсизми? Бунинг учун «Ҳуқуқ» газетасининг «Теша тегмаган латифалар», «Хайт қатралари», «Афоризм», «Бунга нима дейсиз?», «Маслаҳатга йўймангу...» рубрикаларига ўз ижод намуналарингизни юборинг. Улар ичидан энг зўрлари, энг қизиқарлилари газета саҳифаларида доимий равишда бериб борилади.

Йилнинг ҳар чораги охирида ўткир сўз ва фаол муаллифлар зълон қилинади.

Бу борада «Ҳуқуқ»дан маслаҳатлар:

1. Агар сиз нимадан бошлашни билмаётган бўлсангиз унда аввал «Ҳуқуқ»га обуна бўлинг!
2. Агар сиз жумла тузган бўлсангиз, бироқ унда нимадир ётишмаётганини хис этсангиз ўйланиб утирмай нукта қўйинг!
3. Ёзганингни бизга юборишда ҳеч иккиланманг!

**9 - САҲИФА**

**Одамни қанча тарбиялама, барибир яхши яшашга интилаверди...**

**ФУТБОЛ**

**ЛИГА ТАРИХИДА МАК БОР**

Европа футбол клублари ўртасидаги чемпионат финал босқичида биринчи марта бир мамлакат вакиллари учрашадиган бўлишди.

Жавоб учрашувда «Бавария» «Реал»ни мағлуб этган бўлсада икки уйин натижасига қўра мадридликлар Лиганинг финалчида айланганиниди. Натижада чемпионат Лигаси тарихида илк бор ушбу нуфузли кубок финал баҳсидан олдин қайси мамлакатга тегиши маълум бўлди. Финал баҳсида «Валенсия» ва «Реал» жамоалари Сан Денининг «Стад де Франс» уйингоҳида куч сиништилади ва финал қандай натижа билан яқунланишидан қатъий назар кубок Испанияга йўл олади.

**ТАЛАНДА БОШЛАШ**

Ўзбекистон терма жамоаси шу йил октябрь ойида Ливанда бўлиб ўтадиган XII Осиё чемпионати финал уйинларига тайёргарликни бошлаб юборди. Кун икки футболчиларимиз Таиландга жўнаб кетишди. Улар шу мамлакат миллий ва олимпия ёки клублар терма жамоалари билан ўртқоқлик учрашувлари ўтказишни режалаштиришган. Бош мураббий П.Садирин жамоа таркибида 18 футболчини киритган.

**ТИМСОҲЛАР... ЙИҒЛАЙДИ**

Кўпчилигимиз «шайтон йиғиси» деган гапни эшитганмиз. Одатда ҳар нарсага йиғлайвериб, сохта кўз ёшлари тўқадиغان одам ҳақида шундай дейишади. Хўш, тимсоҳлар ҳақиқатдан ҳам йиғлайдими?

Тимсоҳлар ҳақида жуда кўп ривоятлар юради. Масалан, қадим юнон олими Элианинг қайд этишича, тимсоҳ озиғи сув тўлдириб олиб, дарё бўйидаги сўқмоққа тўқади. Шу сўқмоқдан ўтган одам ёки хайвон сирпаниб йиқилса, у тез бориб, ғиппа босган ва еб қўйган. Очигини айтганда, тимсоҳлар ривоятларда акс этганидек қонхўр ва маккор эмас. Унинг фақат бир тури - тароқсимон тимсоҳгина одамларга мунтазам хужум қилади. Одамлар бошқа хайвонларга нисбатан айнан мана шу судралуқнинг касридан кўп ноубуд бўлади.

Тимсоҳлар ҳақида ҳақиқатга яқинроқ бир афсона бор: тимсоҳ одамнинг гавдасини еб бўлган, негадир унинг бошини кўзёшлари би-

лан ювади ва шундан сўнггина ўз нонуштасига яқун ясайди. Кулгингиз кистайди, тўғрими? Бироқ буни тасдиқлайдиган гувоҳлар кўп.

Узоқ вақт бу жумбоққа жавоб топилмади. Швед олимлари Фанге ва Шмидт-Нильсон бу сирни очганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Улар тимсоҳлар ҳақиқатдан ҳам йиғлашиши исботлашди ва нима учунлигини тушунтириб беришди. Маълум бўлишича, улар ўлмасига раҳм қилганларидан эмас, балки организмда зарарли қолдиқларнинг кўпайиб кетганидан йиғлар экан. Тимсоҳнинг улардан ҳалос бўлиши учун айнан кўзлари олдида ташқарига очиладиган махсус безлари бор. Безлар ишлаб кетиши билан тимсоҳлар иссиқ кўзёшларини тўқа бошлайди.

Алқисса, «шайтон йиғиси» деган гап исботини топди ва афсонанинг тагида ҳақиқат борлиги аён бўлди.

И. ДИЛШОД тайёрлади.



Футболимиз келажаклари